

А. ҒАНИЕВ,
Фарғона вилояти ИИБ ходими.

Улуг Ватан уруши даврида бўлиб ўтган Курск жангида эришилган галабага катта аҳамият бериб, Россия Федерациясининг Вазирлар Кенгаши 1993 йилнинг апрелида бу воқеанинг 50 йиллигини байрам қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Тантаналар Орел, Курск, Белгородда, ўлканинг бошқа шаҳар ва туманларида бир вақтда ўтказилди. У 1993 йилнинг 4-5 августда Курск жанги қатнашчилари, Улуг Ватан уруши фахрийлари ва меҳмонларнинг тантанали ёд олиш митинги — хотира рекевиемида иштирок этиш учун ҳарбий шухрат обидасига байрамона юриш билан бошланди.

Байрам кунлари шаҳарларда оркестрларнинг концертлари, тантанали мусиқа байрамлари ўтказилди. Вилоят марказларида Курск жанги қатнашчилари шарафига қабуллар ташкил этилди.

Байрам Орел, Курск ва

СУРОНЛИ

Белгород шаҳарларида катта фейерверк — салют билан якунланди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси Россия телевидениеси орқали кўрсатилди. Байрам тантаналарига кўпдан-кўп меҳмонлар таклиф этилди, улар орасида Республикамиз вакиллари ҳам бор эди. Курск жанги Улуг Ватан уруши тарихига иккинчи жаҳон урушининг энг йирик суронли жангларидан бири бўлиб кирди. Немис-фашист қўшинларининг Курск ёнида тор-мор қилиниши ва унинг Днепрдаги қудратли мунофааси вайрон этилиши билан Улуг Ватан урушида туб бурилиш якунланди.

Фашистлар Германиясининг Совет-Герман фронтда катта ҳужум бошлашга, стратегик ташаббусни қўлга олиб, урушнинг боришини ўзининг фойдасига ўзгартиришга уриниши тўла муваффақиятсизлик билан тугади. Бутун дунё бу жанг кенг миқёсда, гоёта қизгин ва шиддатли бўлганини яхши билади. Москва яқинида ва Сталинграддаги мағлубияти учун қасос олишга гитлерчилар кўмондонлиги кўп миқдорда аскар ва жанговар техникани тўплади.

Қўшинларимиз куч ва воситалар бўйича душмандан устун эдилар: бу устунлик кишилар миқдорида 1,4 баравар, тўп ва миномётларда 1,9 баравар, танкларда 1,2 ва самолётларда 1,4 бараварни ташкил этарди. Агар Курск жангини Москва яқинидаги ёки Сталинград жанги билан таққослайдиган бўлсак, Курск жангида куч ва воситалар ана шу жанглардагидан кўпроқ эди. Иккала томондан жангда 4 миллиондан ортиқ киши, салкам 13 минг танк ва ўзиюрар тўп ҳамда 12 мингта яқин жанговар самолёт қатнашганини айтиш қийоф қилади. Ерда ва ҳавода эчлик кун давомида қақшатқич жанглар бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши тарихида бунчалик катта танклар жанги бошқа бўлмаган. Курск жангида стратегик ташаббус Қизил Армия қўлига ўтди ва урушнинг охиригача шундай бўлиб қолди. Душманининг ҳужумкор стратегияси бутун фронт миқёсида узил-кесил емирилди.

Қон кўп тўкилган даҳшатли суронларда ўзбекистонлик юртдошларимиз ҳам Қизил Армия аскарлари билан ёнма-ён туриб жанг қилдилар. Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳи битирувчиларининг кўпчилиги диплом олишлари биланок дарҳол фронтга йўл олдилар. Улар

урушга кўнгилли бўлиб жўнадилар. Улар армиямизнинг минг-минглаб жангчилари ҳаётини саклаб қолиб, душман устидан қозонилган галабага ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Мақсуд Маърупов ТошМини тугатгач, фронтларда қақшатқич жанглар бораётган 1943 йилнинг бошларида ҳаво десант қўшинлари таркибида, ҳарбий шифокор сифатида кўнгилли равишда фронтга кетди. Курск ёйидаги жангнинг энг бошидан охиригача бевосита иштирок этди. Бу вақт ичида ҳарбий шифокор-жарроҳ юзлаб жангчиларнинг ҳаётини саклаб қолди. Душманининг устун турувчи кучлари бор кучи билан ҳужум қилиб, дала госпиталидаги бир неча юз ярадор жангчининг ҳаётига хавф солганда Маърупов қўлда автомат билан душманининг ҳужумини госпиталь шифокорлари билан биргаликда қайтарди.

Ўзбек ҳамширалари снаряд ва бомбалар ёмғири остида жанг майдонидан юзлаб минглаб ярадорларни олиб чиқдилар, тошкентлик шифокорлар эса жангчиларни уйку ва дам олишни унутган ҳолда операция қилдилар, даволадилар, қўл жангларида қуршов ҳалқасини ёриб ўтиб, ярадорларни хавфсиз жойларга етказиб келдилар. Курск жангида фаол қатнашган

ЙИЛЛАР

шифокорларимиз — қаҳрамонона жасоратлари учун жанговар орденлар билан тақдирланган Аъзамжон Бурҳонов, Собира Мажидова, Усмон Мираҳмедов, Сайдакбар Умаров, Зикрилла Эгамбердиев, Ҳафиза Маликова, Киём Абдуллаев ва бошқа кўп кишиларни эсласдан бўлмайди.

Улуг Ватан уруши тугагандан сўнг 213-ўқчи дивизиянинг кўпгина жангчилари Тошкентга қайтиб келдилар. Уруш ва Куролли Кучлар фахрийларининг Тошкент комитети қошидаги 213-ўқчи дивизия жангчиларининг уруш фахрийлари кенгаши ташкил этилди. Уларнинг кўплари ҳозир ҳам фаол жамоат ишлари олиб бормоқда. Улар орасида Самарқанд ИИБ собиқ бошлиги, генерал-майор Тилла Абдуллаев ҳам бор.

Бу дивизия ҳақида бир неча сўз. У 1941 йилнинг сентябрида Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шаҳрида ташкил этилган, Ўрта Осиё ҳарбий округи офицер ва жангчилари ҳисобига тўлдирилган. Унинг таркибида 2063 ўзбек, 252 туркман, 231 тожик, 185 қозоқ, 86 қирғиз бор эди.

1943 йил февралда дивизия фронтга йўл олди ва Курск ёйида, Белгород шаҳри атрофида жанговар ҳаракатларда бевосита иштирок этди. Кўп ўтмай Каттакўрғон ўқчи дивизиясининг қаҳрамонона жанглари бутун мамлакатга машҳур бўлди.

Ўзбекистондан 213-дивизия кўмондонлиги номига юборилган хатда шундай деб ёзилган: "Улуг Ватан уруши фронтларида немис-фашист босқинчиларга қарши қаҳрамонона жанг қилаётган оддий аскарлар, сержант ва офицерларнинг шонли жасоратлари ва юксак жанговар маҳорати ҳақида катта қувонч билан эшитдик. Оқрутимиз қисмларида маҳоратларини оширган баҳодир жангчилар жанг майдонидаги ўлмас жасоратлари билан совет қуролининг шухратига шухрат қўшдилар, Ўрта Осиё ҳарбий округининг шарафини юқори кўтардилар. Сизларнинг жанговар ишларингиз оқрутимиз қисмлари ва ҳарбий ўқув юртларининг оддий аскар, сержант ва офицерлардан иборат таркибини жанговар ва сиёсий ўқувда янги

муваффақиятларга эришишга, замонавий уруш олиб бориш санъатини яхшироқ ва тезроқ эгаллаб олишга илҳомлантиради. Сизлар билан фахрланамиз, азиз жанговар ўртоқлар! Севимли Ватанимизнинг ашаддий душмани устидан шонли галабаларга эришишингизни тилаймиз!

Ўрта Осиё ҳарбий округи қўшинлари кўмондони генерал-майор П. Курбаткин.

Округ Ҳарбий кенгаши аъзоси генерал-майор П. Шишкин.

Округ штаби бошлиги генерал-майор П. Липатов".

Ватанга нисбатан сўнмас мухаббат, душмандан қучли нафратланиш ва ўлимни писанд қилмаслик Қизил Армия жангчилари, шу жумладан юртдошларимиз ўртасида ҳам оммавий қаҳрамонликни тугдирди.

Курск жанги ва Днепрда кўрсатган жасорати учун алоқачи Борис Эргашев, мотоўқчи батальон командири Олим Ҳақимов, рота командири Абдулазиз Йўлдошев, пулемёт расчёти командири Мўмин Саломов, мерган Шариф Эргашев, эскадрилья командири Павел Шевелев ва бошқа кўп жангчилар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар. Жангда қурбонлар ҳам бўлди. Курск ёйида жанг майдонларида кўплаб полкдош ўртоқларимиз қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар.

Ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг хотираси қалбларимизда мангу яшайди. Уларнинг жасоратлари биз, уруш фахрийлари зиммасига катта масъулият юклайди. Жамият олдидаги бурчимизни шундай ту-

ХОТИРАСИ

шуниш биз, фахрийларни сафларда умрбод қолишга ундайди.

Республикамиз Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов ўзининг 1993 йил 26 февралдаги Фармонида уруш фахрийларининг фаолиятига: "Улуг Ватан уруши фахрийларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларини ҳимоя қилишдаги, унинг иқтисодиёти, маданиятини ривожлантиришдаги, мустақилликни мустаҳкамлашдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги катта хизматлари учун..." деб катта баҳо берди.

Бугунги кундаги қийинчиликларни бошдан кечириб, биз — Улуг Ватан уруши ва Республика Куролли Кучларининг фахрийлари кексаяиб қолганлигимиз, соғлигимиз яхши эмаслигига қарамасдан, Республиканинг давлат манфаатларини ҳимоя қилишда, унинг иқтисодиёти, маданиятини ривожлантиришда ва мустақиллигини мустаҳкамлашда астойдил иштирок этаверамиз. Ёш авлодимизни Ватанимизнинг жасур ҳимоячилари ва ватанпарварлари, байналмилалчилар қилиб тарбиялаймиз, зеро ўзимиз ҳам Улуг Ватан уруши жангларида, душман билан юзма-юз қўл жангларида, окоп ва блиндажларда, уруш даврининг жангтоҳларида, жанговар қисмларнинг батальон, эскадрон, дивизионларида, галабаларимизнинг қувончли лаҳзаларида ана шу олижаноб хислатлар эгаси қилиб тарбияланган эдик.

Б. СИРОЖИДИНОВ.
истеъфодаги генерал-лейтенант,
уруш ва Куролли Кучлар фахрийлари
Тошкент шаҳар кўмитасининг
раиси.

ЁМОННИНГ БИР ҚИЛИҒИ ОРТИҚ

Республика ИИБ раҳбарияти ички ишлар идоралари ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга катта эътибор бериб келмоқда, сафларимизда ўз виждонига доғ туширмайдиган ҳалол кишилар хизмат қилиши учун талабчанликни кучайтирмоқда. Хоразм вилояти ИИБ ходимлари ҳам жиноятчиликка қарши курашда ижобий натижалар келтираётган муайян ишларни олиб бормоқдалар. Лекин ўз ишининг фидойиси бўлган кишилар билан бир қаторда ички ишлар идоралари ходимлари бўлишга номуносиб, хизмат интизомини таъминламайдиган ходимлар ҳам учраб қолади. Бундайларга қарши жуда қаттиқ чоралар кўриломоқда. Шу йилнинг олти ойи ичида ички ишлар божқармаси томонидан 9 ходимга хизмат интизомини бузганлик учун чора кўрилди. ИИБнинг махсус тузилган гуруҳи милиционерлик номига иснод келтираётган ходимларни аниқлаш билан шуғулланмоқда.

Тошховуздан Тошховуз-Шовот йўлида жойлашган пост

орқали кунжара олиб кетаётган тракторни ўтказиб юборган ДАН бўлими йўл-патруль хизматининг икки нозир фуқаро Ш. Р. дан 15 минг сўм миқдорида пора олаётганида ушланди. Вилоят прокуратураси ана шу факт бўйича жиноий иш қўзғатди, тергов олиб бориломоқда. Милиция ходими бўлишга нолойиқ кишиларни аниқлаш тадбирлари эса давом эттирилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, келтирилган мисол — ИИБ ходимлари ва унинг бўлинмалари учун доимий хос нарсас эмас. Кўпчилик ходимлар ўз олдларига қўйилган вазифаларни пухта бажарадилар, уларни виждонан амалга оширадилар. Биз жиноятчиликни камайтиришга эришдик. Бу эса — бутун жамоа қизғин меҳнатининг натижасидир. Эришган муваффақиятлари учун кўп ходимларимиз Республика ИИБ ва вилоят ИИБ буйруқлари асосида тақдирланганлар.

Б. МАШАРИПОВ,
милиция майори.

ХИЗМАТ



РИСОЛАДАГИДЕК

Беруний туманлараро рўхатга олиш ва имтиҳон бўлими (ТРИБ) Қорақалпоғистоннинг Амударё, Беруний, Тўртқўл ва Эллиққалъа туманлари аҳолиси ҳақда давлат қорхоналари транспортларида хизмат қилади. Йилига бу ерда 4500-5000 транспортга хизмат кўрсатилади. Ташир буюрганларнинг ҳожатини чиқариш уларнинг вазифаси. Вақтида керакли ҳужжатлар расмийлаштирилади. Бу ишда бўлим ходими Зарифа Матчонованинг хизматлари катта. (Юқоридаги сурат).

Қидирув нозир, милиция катта лейтенанти Рустам Жабборов ҳам транспортнинг камчиликларини тезда кўрсатиб беради.

Бу ерга иш билан келганлар билан суҳбатлашсангиз ТРИБ ходимлари ҳақида фақат яхши фикрларини эшитасиз. Бўлим ходимларидан катта нозир, милиция капитани Ислам Юсупов (чапда) ва бўлим бошлиги милиция майори Бахтиёр Ботировлар ҳайдовчилар билан суҳбатда. (қуйидаги сурат).

Саъдулла БОБОЕВ.
Муаллиф олган суратлар.



Штатсиз мухбиримиз
Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими вазирининг
биринчи ўринбосари Йўлдош
Саъдуллаевич Саиджонов
билан суҳбатлашди.

— Йўлдош Саъдуллаевич, ёшларга ҳуқуқий тарбия беришнинг умумий вазифалари, Сизнингча, нималардан иборат?

— Саволингизга ҳар томонлама муфассал жавоб Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясида берилган. Унда инсон ҳуқуқларига содиқлик, ҳозирги ва келгуси авлодлар олдида масъулиятлилик, демократиялаш ва ижтимоий адолат олий мақсадларига, халқаро ҳуқуқ меёрларига садоқат, демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлиқни таъминлаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон халқи мустакил суверен давлатни иқтисодий, давлат ва ижтимоий-маданий ривожлантиришнинг улкан дастурини муваффақият билан ҳаётга татбиқ этмоқда. Бу режаларни амалга ошириш кўп жиҳатдан жамиятда юз бераётган ижтимоий жараёнларни ҳуқуқий бошқаришга, қонунга риоя қилиш ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлашга, фуқароларни қонунларга қаттиқ амал қилиш руҳида тарбиялашга боғлиқдир.

Фуқароларнинг ҳуқуққа, қонун талабларига ҳурмат билан муносабатда бўлишини шакллантириш бир қатор объектив ва субъектив омилларга боғлиқ.

Ижтимоий муносабатлар, бутун турмуш тарзи, унинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан таъминланганлигининг ўзиёқ кишиларнинг ўз ҳуқуқларини тан олиши, ҳуқуққа монанд ҳуқ-атвори юқори даражада бўлишини шартлайди. Шу билан бирга қонунларни, турмуш қоидаларини ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириш мақсадида жамият барча табақаларининг, айниқса ёш авлоднинг онгига изчил ҳамда мунтазам гоёвий-тарбиявий таъсир кўрсатиш зарур.

Ёшларда фуқаролик туйғусини кучайтириш; маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий тарбиялаш уларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини, камчиликлар ва ҳуқуқ бузишларга мурасисизлигини, халқ, жамият ва унинг давлати манфаатларига ғамхўрлик билан муносабатда бўлишини ривожлантиришда таъсирчан воситалардан бирига айланиши керак.

Фуқароларнинг ҳуқуқий тарбияси бугунги кунда мустакил давлатимизнинг барча тузилмалари учун биринчи даражали дастурга айланиши керак. Бу эса ҳуқуқий тарбияни ташкил этишда эришилган даражага баҳо беришга танқидий ёндашувни, бу борада мавжуд бўлган жиддий нуқсон ва камчиликларни қатъиян бартараф этишни, етилган муаммоларни ҳал этишни тақозо этади.

Ҳуқуқий тарбия ишининг ижтимоий-профилактик йўналганлигини кучайтириш, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллаштириш, интизомни, ушшоқлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалалари билан чамбарчас боғлаш, кишиларни ҳаяжонлантираётган ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларга доир очик-ошқора суҳбатлашнинг доимий қоидага айлантириш жуда муҳимдир. Ўқув жамоалари ва истикомат жойларида энг кўп даражада ишчанлик ва аниқлик, яқка тартибда ёндашув, тарбия бирлигини таъминлаш, кадрларга, аввало халқ таълими идоралари раҳбарлари, ўқитувчилар, тарбиячиларга умумий ҳуқуқий таълим беришга доир чораларни амалга ошириш ҳам долзарб вазифалардан

ҚОНУННИ ҲУРМАТ ҚИЛИШГА ОДАТЛАНТИРАЙЛИК

**ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ИДОРАЛАРИ ВА МАОРИФ ХОДИМЛАРИ
ОЛДИДА ДОИМ АНА ШУНДАЙ ВАЗИФА ТУРАДИ.**

биридир. Шунингдек, ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий таълим-тарбиясини тубдан яхшилаш керак.

Агар жамиятнинг барча аъзолари қонунчилик принципларининг тўғрилиги ва зарурлигига чуқур ишонган, уларни яхши билган ҳолда ўз ҳаётларида уларга амал қилсалар, ҳуқуқий тарбиянинг вазифалари ҳал этилди деб ҳисобласа бўлади.

— Кейинги вақтда ўз олдида ҳуқуқий тарбияни тубдан яхшилаш мақсадини қўйган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди...

— Маънавий-ҳуқуқий тарбияни такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Кенгаш сессияларининг материаллари, турмушнинг, халқ ҳўжалиги тармоқларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича республика Қонунлари, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари таянч ҳужжатлар ҳисобланади. Бу рўйхатда давлатимиз Президенти И.А.Каримовнинг нутқларидан келиб чиқадиган йўл-йўриқлар, оқ йўл ва маслаҳатлар алоҳида ўрин эгаллайди, чунки улар амалда халқнинг тинчлиги ва оқсоқчилигини, иқтисодий ва ижтимоий фаровонлигини сақлаб қолишга йўналтирилган.

Ўз табиатида кўра ижтимоий ҳаётда турлича ўрини эгаллаган кўпдан-кўп ташкилот ва муассасалар ҳуқуқий тарбия ҳамда тарғибот жараёнида иштирок этиши керак, бунда ўқув юртларига алоҳида ўрин берилган.

Жамият сиёсий тизими фаолиятининг самардорлигини тушунтириш мақсадида ҳуқуқий маърифат ва тарбия воситаларининг ҳаммасидан: ваколатли ва бевосита демократиянинг барча меёрларидан; халқнинг ўзини ўзи бошқарувини изчиллик билан чуқурлаштиришдан; Кенгашлар, касаба уюшмалари, иқодий уюшмалар, кўнгилли жамиятлар ишини жонлантиришдан; Ўзбекистон Республикаси қонунларида мустаҳкамланган демократик принцип ва меёрларни амалда рўёбга чиқаришдан; аҳолини қонунчилик, маҳаллий идоралар қарорлари ва уларни қўлланш амалиётидан хабардор қилишдан; ҳар бир кишида Конституцияда муҳрланган вазифаларни бажариш учун юксак даражадаги масъулият сезишни, ўз меҳнатига, унинг сифати ва пировард натижаларига онгли муносабатни шакллантиришдан, меҳнат интизомига оғишмай риоя қилишдан фойдаланиш зарур.

— Ана шу муҳим ишда “идоралараро” вазифаларни аниқ чегаралаш қийин бўлса керак?

— Бу сўзингизга, фикримча, қўшилмасдан бўлмайди. Ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда давлат ҳокимияти идоралари сифатида халқ депутатлари Кенгашлари, уларнинг қонун чиқарувчилик, қузатув, маъмурий, ички-ликбозликка қарши кураш, вояга етмаганлар ишлари бўйича ва бошқа комиссиялари биринчи даражали роль ўйнайди.

Советлар фаолиятининг депутатлар иштирок этмайдиган бирор-бир соҳасини топиш мушкул. Халқ депутатлари Кенгашларининг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида уларнинг

ҳуқуқий тарбия соҳасидаги вазифалари белгилаб берилган. Уларга катта ташкилий, назорат қилиш, ҳуқуқий ваколатлар берилган. Уларга ўзларига тегишли ҳудудда ана шу ишни мувофиқлаштириш ҳуқуқи, ҳуқуқий билимлар халқ дорилфунунлари, куллитариини ташкил этиш ҳуқуқи берилган, депутатлар ана шу билимгоҳларда махсус ишлаб чиқилган режалар асосида таълим олишлари керак.

Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий тарбияни кучайтиришга доир умумий тамойил оммавий ахборот ва тарғибот воситаларидан фойдаланиш амалиётида ўз ифодасини топган. Ошқоралик шароитида газета ва журналларда ҳуқуқий мавзуда эълон қилинаётган материаллар, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришлари, журналистик усуллар, материалларни ёритиш шакллари хилма-хил эканлиги билан ажралиб туради. Бу эса ўқувчилар, тингловчи ва томошабинларнинг ҳуқуқий билимларини кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш имконини беради.

Ҳуқуқий билимларни ёйишда юридик мавзудаги китоблар ҳам катта имкон яратади. Бироқ улар китоб дўконларига кам миқдорда келиши, айниқса, болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланганлари озлиги туфайли аҳолининг кенг қатламлари бу хил адабиётни харид қилиш имкониятига эга эмас. Шунинг учун ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишда оммавий кутубхоналар ҳам, билимгоҳларнинг кутубхоналари ҳам каттагина ҳисса қўйиши мумкин. Китоб фондларини юридик адабиёт билан тўлдириш, китобхоналарнинг эҳтиёжларини яхшироқ ҳисобга олиш, библиографик шарҳлар, китобхоналар ййгилишлари, ҳуқуқшунослар иштирокида мунозаралар ўтказиш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш зарур.

Мамлакатнинг келажаги тўғрисидаги ғамхўрликни ёш авлод ҳақида, унинг гоёвий-маънавий тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилишдан ажратиб бўлмайди.

— Бугунги кунда ҳуқуқий тарбия ҳақида ёш авлодда умумфуқаролик масъулиятини шакллантиришнинг бир қисми, таркибий бўгини сифатида гапириш мумкинми?

— Шубҳасиз! Ёшларнинг ҳуқуқ принциплари ва талабларини ўзлаштириши жамият ва давлат олдида меҳнат, касбий, умумфуқаролик масъулиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутати.

Кўп йигит-қизлар қонун деганда тақикларни тасаввур қиладилар. Жамият қонунлари чеклашларнигина эмас, балки ижтимоий, ҳаётни, ижтимоий фойдали хулқ-атворини ташкил этиш қоидаларини ҳам мустаҳкамлашини ҳамма ҳам тушунавермайди.

Ахволни яхшилаш учун нима қилиш керак?

Ҳуқуқ бузишлар ва жиноятларнинг олдини олиш шакллари ва усулларининг шаклланган тизими шуниси билан характерланадики, ўқувчиларга, ёшларга тарбиявий ва профилактик таъсир ахён-ахёнда кўрсатилмоқда, кўплар жамоатчиликнинг эътибор доирасидан тушиб қолмоқда, улар қайтадан жиноят содир қилган ёки ҳуқуқни бузган

ҳоллардагина бу кишиларга эътибор берилмоқда. Буларнинг ҳаммаси бир қатор вазирлик ва муассасаларнинг куч-харакалари нн мувофиқлаштиришни тақозо этади. Яъни ҳуқуқий тарғибот ва умумий ҳуқуқий таълимнинг натижадорлигини ошириш бўйича пухта ва ўзаро боғланган иш зарур, бунинг учун ана шу мураккаб ва кўп қиррали фаолиятни бажарадиган, давлат идоралари, корхона ва муассасалар маъмуриятининг вазифаларини аниқ белгилаб берадиган ва уларнинг масъулиятини белгилайдиган махсус ҳужжат қабул қилиниши тақозо этилади.

— Йўлдош Саъдуллаевич, халқ таълими идоралари томонидан ана шу йўналишда олиб бораётган муайян иш ҳақида сўзлаш мумкинми?

— Республика халқ таълими вазирининг ўқувчиларнинг ҳуқуқий таълим-тарбиясини тубдан яхшилаш хусусида яқинда имзолаган буйруғи аини шу мақсадга хизмат қилади. Вазирлик томонидан маъқулланган ва ўз ичига аниқ ишларнинг кенг дастурини олган тадбирлар ҳам ана шунга қаратилган.

Халқ таълими идоралари, ўқув юртлари, Республика ўқув-услугият маркази, халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш олийгоҳлари, Педагогика фанлари илмий-тадқиқот олийгоҳи, мактаблар, ҳунар-техника билимгоҳлари жамоалари ўқувчилар, талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини яхшилашга катта эътибор беришлари керак.

Умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника билимгоҳлари, олийгоҳлар ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳуқуқий билимлар жамоатчилик дорилфунунлари ва куллитариини барпо этиш борасидаги ишни давом эттирамиз; ҳуқуқий тарбия масалалари бўйича маърузачилар ишита алоҳида эътибор берилади. Маданият ишлари вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда кинотеатрлар, клублар, мактаб кинозалларида ушбу йўналиш бўйича кинолекторийларни тиклаймиз. Табиийки, ана шу тадбирларнинг ҳаммасида педагоглар билан биргаликда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаол иштирок этиши керак. Прокуратура, адлия ва суд ходимларининг мактаблар, ҳунар-техника билимгоҳлари, бошқа билимгоҳларда ёшлар билан, истикоматгоҳларда, ишлаш жойларида ота-оналар билан учрашувларини вақти-вақти билан ўтказиб туриш керак. Ётоқхоналарда яшайдиган ишчи ёшлар ва ҳунар-техника билимгоҳлари ўқувчилари учун тематик кечалар, оғзаки журналлар, мунозаралар ва бошқа оммавий тадбирлар ташкил этилиши зарур. Ёшлар клубларининг ишини кучайтириш даркор. Умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билимгоҳларида ҳар ойда ота-оналар учун “Педагогика дарслари”, “Одобнома” машгулотларини ўтказиш лозим. Тарих ва маданият обидаларини муҳофаза қилиш жамиятининг бўлимлари билан ҳамкорликда ёшлар ҳамда мактаб ўқувчилари учун “Ўз ўлкангни бил ва сев” деб ном олган қизиқарли учрашувлар клубларини, ҳуқуқий муаммолар бўйича видео ва диск клубларни ташкил этиш керак.

Мустакиллик шароитида, биз янги жамиятнинг барпо этаётган бугунги кунда ёш авлоднинг ҳуқуқий таълими ҳам республика Халқ таълими вазирлиги ҳам ана шу умумдавлат аҳамиятидаги муҳим иш билан шуғулланишга даъват этилган бошқа ташкилотлар ва муассасалар олдида турган вазифалар оқимида алоҳида ўринни ишғол этади.

АЛЮБЕЧАНСКИЙ суҳбатлашди.

Қисқа сатрларда

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ

Тўқимачилик тумани ички ишлар бўлимига шу туманининг Шарқ-1 мавзёида яшовчи фуқаро У. О. ўзининг хусусий дўконидан номаълум шахс катта миқдорда мол ўғирлаб, кетганлигини маълум қилди. Ички ишлар бўлими ходимларининг шошилинч кўрган чоралари натижасида жиноятчи қўлга тушди. У 1965 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламай юрган, Шарқ-2 мавзёида яшовчи, илгари жиноят содир этганлиги учун судланган Игорь Ш. экан.

КОТИЛЛИК

Когон шаҳар М. Нуруллаев кўчасида қотиллик юз берди.

Қотил қотиба бўлиб ишловчи эндигина... 18 ешга кирган аёл экан. У эри Игорь Г. билан жанжаллашиб, қутилмаганда эрининг кўкрагига пичоқ уради. Натижада оғир тан жароҳати олган Игорь касалхонада вафот этди. Қотилга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов олиб борилапти.

МЕХМОННИ ТАЛАБ КЕТИШДИ

Миролим Х. Қирғизистон республикаси Ўш шаҳридан хизмат билан Бухорога келиб, Бухоро йўл-қурилиш бошқармаси биноси олдида ўзи бошқариб келган КамАЗ автомашинида дам олаётган пайтда номаълум шахс уни қўрқитиб, 51 минг сўм пулини олиб кетди. Ўзига нисбатан бундай “ҳурмат”ни кутмаган меҳмон бу ҳақда тезда ички ишлар бўлимига хабар қилди. Милиция ходимларининг тезкорлик билан кўрган чоралари натижасида зўравон қўлга олинди. У ҳеч қаерда ишламай юрган, жиноят содир этганлиги учун илгари судланган Шухрат Ш. экан. Энди у иккинчи жиноятни учун ҳам жавоб беришга тўғри келади.

МЕҲНАТ ҚИЛИШ ЁҚМАГАЧ...

Олот тумани матлубот жамиятига қарашли дўкон мудир О. К. дан уч номаълум шахс белгиланган вақтда тумандаги “Дўстлик” истироҳат боғига 500 минг сўм пул келтириб беришини талаб қилишди. Акс ҳолда яхши

бўлмаслигини тушунтиришди. Фуқаро О. К. эса ўзини тезда қўлга олиб, ички ишлар бўлимига хабар қилди. Милиция ходимлари таъмагирларни аниқлаб қўлга олишди. Улар Олот туманидаги хусусий миллий таомлар ошхонасида таъминловчи бўлиб ишловчи, 1971 йилда туғилган О. Х., “Пахтакор” жамоа ҳўжалигида яшовчи, ҳеч қаерда ишламай юрган, 1966 йилда туғилган К. М. ва Навоий номли жамоа ҳўжалигида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган П. О. лар бўлиб чиқди. Ҳар учала таъмагир устидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов олиб борилапти.

БУ КЎНГИЛ НЕЛАРНИ ИСТАМАЙДИ

Инсон табияти жуда қизик. Баъзан кўнгил ҳеч ҳам ҳаёлингизга келмаган нарсаларни истаб қолар экан. Бухоро ип-йигирув бирлашмаси иш-чиси, Бухоро тумани, “Бухоро” жамоа ҳўжалигида яшовчи О.Б. ва ҳеч қаерда ишламай юрган Вобкент тумани, “Пахтакор” жамоа

ҳўжалигида яшовчи Ш.Х. ларнинг кўнгли эшак минишни, истаб қолибди. Улар ўзаро тил бириктириб, Бухоро тумани “Бухоро” жамоа ҳўжалигининг Ўзбакон қишлоғида яшовчи фуқаро Б.Р.нинг ҳовлисида унинг эшагини ўғирлаб кетишди. Милиция ходимлари ўғирларни ушлашди. Эшак эгасига қайтарилиб, улар устидан тергов бошлаб юборилди.

ЖАҲЛ ЧИКСА

Қоракўл туманидаги Охунбобоев номли жамоа ҳўжалигида яшовчи, 1974 йилда туғилган Г.С. ва унинг тенгдоши, шу жамоа ҳўжалигида яшовчи К. Тлар ўзаро жанжаллашиб қолишди. Оғир тан жароҳати олган К.Т. воқеа жойида ҳалок бўлди.

Шухрат Қўлдошев,

Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот гурӯҳи ходими, милиция майори.

ДУШАНБА

13 сентябрь

ЎЗТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Кичкинтой" устахонаси. 18.35 "Биз очик жамоа". "Ўзбектеелефильм" премьераси. 18.55 "Ёшлик" студияси. "Давр талаби". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 Кинолава. 20.00 "Шеърят дафтарида". Мирмухсин. 20.10 "Оқшом эртаклари". 20.25 Баховуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига. "Аждодлар мероси". 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.40 Мулоҳаза. "Театр ва томошабин". 22.15 "Дарбадар автобус". Бадий фильм.

ЎЗТВ II

18.30 "Ассалому алайкум" (такрор). 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Умр мазмуни". Телефильм. 20.00 "Ўтмишсиз келажак йўқ". 20.30 "Бизнинг суҳбат". 21.00 "Билиб қўйган яхши". 21.20 "Сени излайман". Қисқа метражли бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

5.00 "Яқунлар". 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Тингланг, томоша қилинг". 8.40 Мультифильм. 8.55 "Айваседо сулоласининг қўшиғи" (Тюмень). 9.20 "Ёш йигитчанинг кундалиги". Телефильм премьераси (Красноярск). 9.50 "Мавзу". 10.30 "Тол". 11.00 Янгилар.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикст". 15.10 Мультифильм. 15.25 "Оқшом эртаги еки Бу қандай қилинади!". 15.35 "Ёлғизоёқ йўлгина эмас...". 16.10 "Иқболи кулганда". 16.50 "Технодром". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Руқн премьераси. "Хужжатлар ва тақдирлар". 17.30 Волейбол. Европа чемпионати. Финал. Финляндиядан кўрсатилади. 18.30 "Спорт уик-энди". 18.45 "Беш қиз Парижда". Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 6-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Тол". 20.55 "Сиз учун учрашувлар". Александр Зиновьев. 21.45 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида. 22.00 Катталар учун мультифильм.

"Янги студия" таништилади

22.10 "Тингла". 22.25 "Джем сейшн". Элтон Джон концерти. — Танафус пайтида (23.00) — Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 "Россияда бизнес". 8.30 "Мутлақо махфий". 9.30 "Шарман-шоу". 11.00 Биз севган комедиялар. "Италияликларнинг Россиядаги гаройиб саргузаштлари". Бадий фильм. 12.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.05 Теннис бўйича АҚШ очик чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади. 13.50 Трансросэфир. "Урал варианты". 14.35 "Телематн". 14.40 "Испанияга қуш парвозидаги масофадан назар ташлаганда". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси. 15.10 Янгилар. 15.25 Бокс бўйича Европа чемпионати. Туркиядан кўрсатилади.

17.00 — 19.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 Душанба куни детектив. "Лаки страйк" таништилади. "Вақтни бой берма". Бадий фильм. "Криминал ходисалар" сериалидан. 20.15 "Кириш ҳовли томонда".

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.40 Криминал хабарлар экрани. 21.50 "Формула-1" классиди автопойга бўйича жаҳон чемпионати. Италия Гран-приси. 23.50 Катталар учун мультифильмлар.

СЕШАНБА

14 сентябрь

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00

ЗАНГОРИ
ЭКРАНДА

"Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Волидангни рози қил". Концерт. 7.50 "Чархпалак". Мультифильм. 8.00 "Отлар". Телефильм. 8.10 "Билиб қўйган яхши". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 9.30 "Замин қалбига қулоқ тут". Телефильм. 10.00 "Ўсмир ва қонун". 10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. Натурал сояларни қўшиш ва айириш.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Баховуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига. "Ўгит". 18.40 "Ёшлик" студияси. "Эъзоз". 19.10 "Тулпорлар". Видеофильм. 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эстрада концерти. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.40 "Унутилган ўйинлар". "Ўзбектеелефильм" маҳсулоти. 21.55 "Жавоҳирлар маликасига ҳужум". Бадий фильм.

ЎЗТВ II

18.30 "Уолт Дисней таништилади...". Мультифильмлар тўплами. 19.20 "Хайкалтарош — Илҳом Жабборов". Телефильм. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Муסיқали меҳмонхона". 20.30 "Иқтисодчилар мактаби". 21.10 Ёлонлар. 21.15 "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.10 С. Рахманинов. Ўлилар мавзuida эзилган қаприччо. 9.40 "Инсон ва қонун". 10.10 "Бизнинг муסיқий клуб". 11.20 "Ўсмир". Олти серияли телевизион бадий фильм. 3-серия.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 Ишбилармонлар хабарномаси. 14.40 "Адам Смит бойлиги дунёси". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Иш". 15.25 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультифильм премьераси. 15.50 Диний кўрсатув. 16.20 "Бизнинг муסיқий клуб". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Ишонч ёрлиғи" кўрсатувини таништилади. 17.45 "Хужжатлар ва тақдирлар". 17.50 "Миниатюралар". 18.05 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.55 "Мавзу". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Эстрада гардемаринолари" II Россия фестивали. 21.25 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. "Динамо" (Москва, Россия) — "Айнтрахт" (Франкфурт, Германия). "Динамо" Марказий стадионидан кўрсатилади. 23.25 Янгилар. 24.00 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 "Кириш ҳовли томондан".

11.00 "Сехрли бог". Хужжатли фильм. 11.05 Теннис бўйича АҚШ очик чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади. 12.35 "Россияни қандай қилиб эпаккага келтириш мумкин?". 12.50 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.15 Кундузги сеанс. "Бахт келтирувчи кишилар" Бадий фильм. 14.30 Мульти-пульт. 14.40 Концерт. 14.55 "Спектаклнинг яратилиши". Мусаввир В. Окунов. 15.25 Янгилар. 15.40 "Рост" студияси. "Кенгуру". 16.10 Трансросэфир. "Поволжье".

17.00 — 19.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 218-серия. 20.10 "Сизнинг ҳуқуқингиз". 20.25 "Кинорежиссер Эрнест Ясаннинг меҳнати ва кунлари".

21.00 Туркия телевидениеси.

Хабарлар.

* * *

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 "Асиҳ ҳолича". 22.20 Спорт кўрсатуви. 22.35 "Куткариш хизмати 911".

ЧОРШАНБА

15 сентябрь

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Ёр ва диер тароналари. 7.50 "Ромка, Фомка ва Артос". Мультифильм. 1-фильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.15 "Қувноқ болалар". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...". 9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 Турк тили. 9.40 "Бастакор Мурторжон Муртазоев". Телефильм. 10.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. Дастурлаш тиллари.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Болалар меҳмонхонаси". Анвар Обиджон. 18.50 "Қишлоқ ҳаёти". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 "Химмат". 20.25 "Қўшиқларда қолган муҳаббат". Бахтиер Йўлдошев. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.40 "Ўзбекистон — келажак буюк давлат". "Ўзбектеелефильм" маҳсулоти. 22.30 Замонавий ўзбек халқ қўшиқларининг "Анор" телевизион танлови.

ЎЗТВ II

18.30 Фан ҳақида суҳбатлар. 19.05 "Спринг". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Шахс ва илҳом". 21.00 "02" тўлкинида. 21.20 "Бошлик соат 12да келади". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Қувноқ нотачалар". 8.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.30 "Савдо кўприги". 10.00 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. "Динамо" (Москва, Россия) — "Айнтрахт" (Франкфурт, Германия). 2-тайм. "Динамо" Марказий стадионидан кўрсатилади. 10.50 "Матбуот - экспресс". 11.00 Янгилар. 11.20 "Ўсмир". Олти серияли телевизион бадий фильм. 4-серия.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикст". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультифильм премьераси. 15.40 "Музограф". 16.00 "Қизлар ўртасидаги сир". 16.20 "Парвоздаги уй". Кўп серияли мультифильм премьераси. 16.50 "Технодром". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. "Салом, бу мен!". 17.50 "Хужжатлар ва тақдирлар". 17.55 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.45 "Киношок-93" фестивалининг эпилиши. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.30 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. 1/16 финал. "Торпедо" (Москва, Россия) — "Маккаби" (Хайфа, Исроил). 2-тайм.

"Торпедо" стадионидан олиб кўрсатилади. 21.20 Актерлар ва тақдирлар. "Ваня тоға". Бадий фильм (Мосфильм, 1970 й.). 23.20 Янгилар. 24.00 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. "Боруссия" (Дортмунд, Германия) — "Спартак" (Владикавказ, Россия). 2-тайм. Германиядан олиб кўрсатилади. 00.50 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида. 01.05 "Матбуот-экспресс".

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан чоршанба, 15 сентябрь куни "Дубль IV" кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб намоиш этилади.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.00 Янгилар. 15.15 Трансросэфир. "Узоқ Шарқ". 16.00 "Бонжур, Семен Ефимович".

17.00 — 19.10

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.10 Мульти-пульт. 19.40 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 219-серия. 20.30 "Саратов хонишлари".

* * *

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

* * *

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.35 "Қюша хузурида". 22.05 "Ишбилармон кишилар". Бадий фильм. 23.25 "L-клуб". 00.10 "Осойишталик № 9".

ПАЙШАНБА

16 сентябрь

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Бир ўлкачи...". Муסיқий кўрсатув. 7.50 "Ромка, Фомка ва Артос". Мультифильм. 2-фильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 "Зарафшон". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...". 9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида). 9.10 Араб тили. 9.40 "Аёл қадри". Публицистик кўрсатув. 10.30 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Баховуддин Нақшбанд". Хужжатли фильм. "Ўзбектеелефильм" премьераси. 18.20 "Ёшлик студияси. "Истеъдо". 18.50 "Замин саховати". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 "Хизмат жойим — ички қўшинлар". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси "Тановар" миллий ракс ансамблининг концерти. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.40 "Зулматни тарк этиб". Бадий фильм. 23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.05 "Ўзбекистон спорти" (рус тилида). 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Уч, тўрт". Телефильм. 20.00 "Пульс". Хабарлар. 20.15 "Тошкент оқшомлари". 21.30 "Пульс". Хабарлар. 21.45 Ёлонлар. 21.50 "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 Мультифильмлар. 8.55 "Ёш темирчилар" (Славянск). 9.25 "Хайвонот оламида" (сурдо таржимаси билан). 10.05 "... 16 ешгача ва ундан катталар". 10.50 "Матбуот экспресс". 11.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс
11.20 "Ўсмир". Олти серияли телевизион бадий фильм. 5 ва 6-сериялар. 13.50 "Беўхшовлар". Болалар учун қисқа метражли телевизион бадий фильм премьераси.

* * *

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикст". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультифильм премьераси. 15.40 "Свияга — дарё". Телефильм премьераси (Козон шаҳри). 16.00 "Рок-сабоқ". 16.40 "... 16 ешгача ва ундан катталар". Танфус

пайтида (17.00) — Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.50 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. "Боруссия" (Дортмунд, Германия) — "Спартак" (Владикавказ, Россия). 2-тайм. Германиядан кўрсатилади. 18.45 "Мулқдор алифбоси". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 Фестиваллар намоиши. 21.05 "КТВ-1" ва "Франс интернациональ" канали режиссер Клод Шаброль фильмлари ретроспективасини таништилади. "Ифлос қўлли бокиралар". Бадий фильм премьераси (Франция). 23.10 Янгилар. 23.30 "MTV". 00.30 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.20 Мульти-пульт. 7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 "Параллеллар". 8.15 "Кечки салон" саҳифаларида. 9.45 Мульти-пульт. 10.00 Вика Циганова куйлайди. 10.50 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 219-серия. 11.40 "Генераллар ва Сибирь чипқони". Хужжатли фильм премьераси. 12.35 "Дехқонларга тааллуқли масала. 13.00 "Сўнган юлдузми?". 13.30 "Сайерадош қўшнилари". 14.15 "Рус ташрифи". 14.45 Янгилар. 15.00 "Рост" студияси. "Спортмултипрограмма". 15.30 "Тинчлик ва уруш". 16.05 Трансросэфир. Хусусийлаштириш панорамаси. 16.50 Мульти-пульт.

* * *

17.00 — 19.15

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.15 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 220-серия. 20.05 "Вилоятдан мактулар".

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Криминал хабарлар экрани. 21.35 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида. 22.05 Футбол. УЕФА кубоги. "Ювентус" (Турин) — "Локомотив" (Москва).

ЖУМА

17 сентябрь

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Дутор ва танбур тароналари. 7.50 "Ромка, Фомка ва Артос". Мультифильм. 3-фильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 "Аждодлардан мерос — дўстлик". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

* * *

9.00 Немис тили. 9.30 "Ҳожиакбар Ҳамидов куйлайди". Фильм-концерт. 10.00 "Ўсмирлар учун. "Умид учкунлари". 10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. Бўғимоёқлар, ўримчақлар синфи. 11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Қувноқлар даврасида". 18.40 Телефильм. 18.55 "Пахта йигиттеримини намунали ўтказайлик". Давра суҳбати. 19.55 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.25 Ёлонлар. 19.55 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Гулмира Ширинова раксга тушади. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.40 Баховуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига. "Зиебахш". Хужжатли фильм. "Ўзбектеелефильм" премьераси. 22.00 "Барҳаёт наволар". Ўзбекистон халқ хофиз Жўраҳон Султонов. 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

17.00 АШТАБАТ КЎРСАТАДИ.

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "2-а" синфиди ўқийдиган иқтидорли шахс". Болалар учун телевизион бадий фильм. 9.30 Бўрият куйлари ва оҳанглари. 10.00

«Саёхатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 10.50 «Матбуот-экспресс». 11.00 Янгилар. 11.20 «Америка М.Тарута билан». 11.50 «Сенинг нозик чехранг». И.С.Тургеневнинг «Қишлоқи қиз» пьесаси асосида телевизион спектакль. 13.30 «Мен сизни севардим...». А.С.Пушкин шеърлари. 14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Бридж». 14.50 «Бизнес-класс». 15.05 «Олеся ва компания». 15.35 «50х50» телешоуси. 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Давлатлараро «Останкино» телекомпанияси «Қайтиш» кўрсатувини таништилади. 17.40 «Инсон ва қонун». 18.15 «Америка М.Тарута билан». 18.45 «Мўъжизалар майдони». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 «Хафтанинг машхур киши». 20.40 «Детективлар клуби-да». «Суни». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. II-серия. 21.40 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.

«ВИД» таништилади:
21.55 «Сиесий бюро». 22.30 «Музобоз». 23.45 «Авто-шоу». 24.00 «Мен деярли машхурман». Танафус пайтида (23.00) — Янгилар. 01.05 «Матбуот-экспресс».

«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 «Параллеллар». 8.15 «Вилоятдан мактублар». 9.10 «Қюша ҳузурида». 9.40 «Оқ қарға». 10.25 «Ўз-ўзига режиссер». 10.55 Мульти-пульти. II.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телефильм. 22.00-серия. 11.55 «Пилитрим». Россия саёхатлар бюроси. 12.40 Дехқонларга тааллуқли масала. 13.05 Россия телевизион театри А.Николаев. «Капалакжон, капалак...». 14.20 «Телематн». 14.25 Мульти-пульти. 14.40 Жума кунлари Дисней. «Қолдиқлар». Бадий фильм. I-серия. 15.30 Янгилар. 15.45 «Рост» студияси. «Кимнинг томони?». 16.15 Мульти-пульти. 16.25 «Сўнгган юлдузми?».

17.00—19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.20 Телекранда — премьераси. «Океан». Кўп сериали бадий фильм (Италия — АҚШ — Испания). 5-серия.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.35 «Джентельмен-шоу». 22.05 «Ватанимнинг». 23.00 «Кечки салон». 00.30 Санъат майдони. Владимир Мишчук чалади.

ШАНБА
18 СЕНТЯБРЬ
ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 6.40 «Соғлом бўлай десангиз...». 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.30 Янгрисин шўх яллалар. 7.50 «Хуш келибсиз!». Мультифильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.15 Шифокор маслаҳати. 8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 «Алифбо сабоқлари». 9.40 «Ёш спортчилар мактаби. 10.00 «Чорраха». 10.40 «Оламини асранг!». 11.20 «Кичик корхоналарнинг катта истикболи». 11.50 «Қасбим — фахрим». 12.20 Бухоро вилоят Давлат филармонияси артистларининг концерти.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўсмирлар учун. «Келинг, қулишайлик». 18.40 «Ёшлик» студияси. «Ғазалхон ёшлигим». 19.20 «Келажакни кўзлаб». «Ўзбекистон» телевизион киножурнали. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Байрам табассуми». 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 Шукур Хоммироев. «Қадимда бўлган экан». Бадий видеофильм премьераси. 22.50 «Оталар юрти». Видеофильм. 23.10 «Санъат — дўстликка чорлайди».

Аброр Хидоятлов номли театр артистларининг Франция сафари ҳақида. 23.50 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

ЎЗТВ II
17.00 АШПАБАТ КЎРСАТАДИ.
«ОРБИТА IV»

5.45, 14.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.50 Эрталабки гимнастика. 6.00 «Матбуот-экспресс». 6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгилар. 7.30 «Спорт-имконият». 8.00 «Марафон-15 таништилади. 8.30 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси. 9.55 «Соло». 10.25 «Око» студияси таништилади. «Евросне» кўприги. Телевизион хужжатли фильм премьераси (Владивосток). 11.25 «Мусликий дўкон». 11.55 «Палитра». 12.20 «Хукумат кишилари». 12.35 Режиссерлар В.Краснопольский ва В.Васков фильмлари. «Беайб» («Мосфильм», 1969 й.). 14.00 Янгилар. 14.25 «Пеппи Узун пайпоқ». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. I-серия. (Швеция). 15.00 «Ўз ўзинга мадад бер». 15.30 «Пул ва сифат». Халқаро муносабатлар иктисодиёт кўзгусида. 16.00 «Ультраси» спорт кўрсатуви. Хотин-қизлар ўртасида чавандозлик бўйича жаҳон чемпионати. 16.40 «Қизил квадрат». 17.20 «Бахтли тасодиф». 18.20 «Оба-на». 18.50 «Коламбия пикчерс» таништилади. «Ти Жей Хукер» Етти сериали телевизион бадий фильм премьераси. 5-фильм. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилар. 20.20 «Коламбия пикчерс» таништилади. «Бундан буён ва асрдан асрларга». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 2-фильм. 2-қисм. 21.00 «Резонанс» студияси таништилади. 21.20 «Бир боқишда муҳаббат». 22.00 Янгилар. 22.35 «Эстрада гардемаринолари II Россия фестивали. 00.15 Хоккей. Халқаро хоккей лигаси чемпионати. МАСК — «Металлург» (Магнитогорск). МАСК спорт саройидан кўрсатилади. 00.55 «Матбуот-экспресс».

«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 «Оламга ўз нигоҳи билан қараш». 7.55 «Чашмалар». «Сибирь». 8.25 «Ретро-шлягер». 8.55 «Рост» студияси. «Якунлар», «Бизнинг «Аралаш». 9.25 «Пилитрим». Россия саёхатлар бюроси. 10.10 «Намуна нухаси». 10.20 Хонаки экран. «Садқай сар». Бадий фильм. 11.50 «Олти сотих».

12.15—14.40
«ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
12.15 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 12.25 «Таниш номлар». 12.50 «Безнен мирас» (татар тилида). 13.30 «Истамбулга йўл». 14.05 «Кимиз сайли» (қозок тилида). 14.35 Телевикторина. I-кўрсатув. 15.30 «Бу ажиб дунё».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.40 «Сатириконт» студияси. «Лицедейлар».

17.00—19.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.30 Телекранда — премьераси. «Океан». Кўп сериали бадий фильм. 6-серия.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.40 «Элчилар ерлиги». 22.10 «Репортер». 22.30 «Каунтаун». Оммабоп куйлар янгилари. 23.25 Фильмлар премьераси. 23.40 «Кундузи сеансга иккита билет». Бадий фильм.

ЯҚИШАНБА
19 СЕНТЯБРЬ
ЎЗТВ I
7.00 «Ассалому алайкум».

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.30 Болалар учун. «Тонги салом». 9.00 «Махобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 32-33-сериялар. 10.15 Мактаб ўқувчилар учун. «Кувнок стартлар». 11.10 Инглиз тили. 11.40 «Цирк! Цирк! Цирк!». 12.10 «Яшил чирок». 12.50 Форс тили. 13.20

«Қишлоқ стадионларида». 13.50 «Бугун — Ўрмон ходимлари кунин». 14.20 «Халқ ижодиети». Чори бахши Хўжамбердиев.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Томоша». 18.45 «Менинг маҳаллам». 19.15 «Ойнаи жаҳонда». 19.30 «Хафтанома» (рус тилида). 20.00 «Санъат олами». 20.30 Дам олиш концерти. 21.00 «Хафтанома». 21.40 «Аждаҳони маҳв этайлик». Бадий фильм. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II
7.00—12.00

17.00—23.30
АШПАБАТ КЎРСАТАДИ.
«ОРБИТА IV»

5.40, 14.15, 21.45, 23.10 — Кўрсатувлар тартиби. 5.45 Эрталабки гимнастика. 5.55 «Рухни чиқариш». 6.55 Янгилар. 7.30 «Авто-шоу». 7.45 «Технодром». 8.00 «Марказ». 8.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг сўнгиси». Кўп сериали мультфильм премьераси. 9.00 «Хамма уйдалигида». 9.30 «Спортлото» тиражи. 9.45 «Тонг юлдузи». 10.35 «Полигон». 11.05 «Янги авлод...». «Кўзгу». 11.45 «Пи» белгиси билан. 12.35 Губоҳларнинг шаходат беришича... «Дж.Кеннедининг ўлдирилишига оид янги тахминлар».

«ҚТВ I» ва «Франс» интернациональ канали таништилади

13.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп сериали мультфильм премьераси. 13.10 «Кусто командасининг сувости одессеяси». Кўп сериали хужжатли фильм премьераси.

14.00 Янгилар. 14.20 «Саёхатчилар клуби». 15.10 «Каспер ва унинг дўстлари». «Ҳақиқий ажина оловчиликлар». Мультфильмлар премьераси: 16.00 Мультфильмлар. 16.20 «Эфирда бевосита мулоқот». 17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 17.40 «Хунарли хор бўлмайди». 17.45 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.00 «Маринскада променад». 18.30 П.Барц. «Учрашиб қолиш мумкин». А.П.Чехов номидаги Москва Бадий академик театрининг фильм-спектакли. 20.55 Эълонлар.

21.00 «Якунлар». 21.50 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида. 22.10 Футбол. Россия чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Крилья Советов» (Самара). 2-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан кўрсатилади. 23.00 Янгилар.

«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 «Ҳазиналар ярим ороли». Хужжатли фильм премьераси I-серия. 7.55 «Хайрли тонг!» 8.25 «Қарама-қаршилиқлар». 9.05 «Рост» студияси. «Мағлубиятсиз ўйин». 9.35 «Сафсаталар». 10.05 «Ати-бати...» 10.35 Кипрас Мажейка. «Кичик Европа»дан репортажлар.

11.05—14.40
«ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
11.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 11.15 «Жаҳон ва биз». 12.00 «Светлица польска». 12.45 «Дийдор» (қозок тилида). 13.30 Телевикторина. 2-кўрсатув. 14.30 «Бу ажиб дунё».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
14.40 «Маски-шоу» 15.10 «Хайвонот оламида». 16.10 «Диснейнинг сеҳрли олами».

17.00—18.35
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.35 Телекранда — премьераси. «Қотилликка маҳкум этилганлар» (АҚШ, 1989 й.). 20.05 «Оқ акация...». Рус романи. 20.45 «Владимир Познернинг «Америкаси».

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 Юлдузлар билан суҳбатда. 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.35 Мотопоёга бўйича жаҳон чемпионати. Италия Гран-приси. 22.40 «А» программаси. 23.45 Тунги мусликий кўрсатув.

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» дастуридан).

ЁНГИН ОҚИБАТЛАРИ

Шу йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида республика, жойлардаги давлат ёнгиндан сақлаш назорати, ўт ўчириш хизматлари ходимлари шаҳар, аҳоли турар-жойлари, корхона, муассасаларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, ўт ўчириш қисмларининг иш фаолиятини мукамаллаштириш, уларни техника воситалари билан таъминлаш борасида амалий ишлар қилишди.

Жумладан, ёнгиндан сақлаш бошқармаси, жойлардаги давлат ёнгин назорати ходимлари томонидан вазирлик ва маҳкамаларга қарашли етита корхона, муассаса, идораларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлашдаги аҳоли ўрганиб чиқилди. Натижада улар бир қанча камчиликлар аниқлашди. Бу камчиликларни бартараф этиш учун керакли чора-тадбирлар қўрилди.

Ўтган давр ичида республикамиздаги 86 мингдан ортиқ корхоналарда мана шундай текширишлар ўтказилиб, 13 мингдан ортиқ ёнгин чиқиш хавфи бўлган корхона, муассаса, ташкилотлар иши ва фаолияти вақтинча тўхтатилиб қўйилди.

Давлат ёнгин назорати ходимлари 42,5 минг раҳбар ва мансабдор шахсларга мавжуд қонун-қоидаларга итоат этмаганликлари учун маъмурий чоралар белгиладилар. Носоз электр асбоб ва қурилмаларидан фойдаланилган 48 минг ҳолат қайд этилди. Шунингдек, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ишларини мунтазам бажармаётган, қоидаларни қўпол равишда бузаётган 34 нафар мансабдор шахс устидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят мажмуасининг 212-модда, I-қисми асосида жиноий иш қўзғатилди.

Давлат ёнгин назорати, ўт ўчириш хизматлари томонидан қўрилатган жиддий чора-тадбирларга қарамай, ёнгинлар сони ҳали камаётгани йўқ.

Ярим йил давомида республикада 10 минг 177 бор ёнгин содир бўлиб, улар келтирган моддий зарар 198 млн. сўмни ташкил этди. Ёнгин натижасида 133 одам ҳалок бўлиб, 1 мингдан ортиқ киши турли даражадаги тан жароҳати олди.

Ёнгинлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104 тага кўп, улар келтирган моддий зарар 15 млн. сўмга, ҳалок бўлганлар сони эса 40 кишига ошган.

Ёнгинлар асосан газ асбоблари ва печларнинг носозлиги, қаровсиз қолдирилиши, эҳтиётсизлик ва бепарволик, электр тармоқларининг носозлиги ҳамда еш болаларнинг олов ўйнашлари натижасида содир бўлмоқда.

Масалан, шу йилнинг 30 мартада Сирдарё вилоятининг Боевот туманидаги темир йўл разъездида ёнгин содир бўлган. Натижада меҳнаткашлар не-не машаққатлар билан етиштирган 100 тонна пахтанинг кули кўкка совурилди. Бундан давлатимиз 3 миллион сўмдан ошиқ моддий зарар кўрди.

Бухоро шаҳридаги Тўқимачилик тумани худудиде жойлашган «Ўзагроқурилиш»га қарашли 20-трест омборхонасида 26 май кунини ёнгин содир бўлди. Ёнгин натижасида омборхонадаги «Славутич» телевизорлари, дурадгорлик буюмлари ва ишчилар кийим-кечақлари ениб кетган. Жами келтирилган моддий зарар 13 миллион сўмни ташкил этди. Ёнгин қасддан ўт қўйиш натижасида

содир этилган, деб тахмин қилинмоқда.

30 июнь кунини Андижон вилоятида содир бўлган 3 та ёнгинда 10 нафар киши тан жароҳати олишди. Улардан 4 таси эса касалхонада вафот этди. Қўрилган зарар 400 минг сўмдан ошиб кетди.

Андижон шаҳридаги Бобур шоҳқўчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ёнгин саноат концернига қарашли ил-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг моддий бойликлари сақланаётган омборхонасида ёнгин чиқиб, хўжалик моллари зарарланган. Келтирилган моддий зарар тахминан 390 минг сўмни ташкил этди. Ёнгин сабаблари аниқланмоқда.

Андижон туманидаги Найман қишлоғида истиқомат қиладиган М. Собирова хонадониде газ плитасининг редуктори нотўғри ўрнатилганлиги сабабли ўт чиққан ва аланга натижасида газ плитаси яқинида турган уй эгаси — 1960 йилда туғилган М. Собирова, 1969 йилда туғилган М. Аҳмедова ва 1991 йилда-туғилган М. Аҳмедовалар турли даражадаги тан жароҳати олиб, шаҳар шифохонасига ётқизилган.

Марҳамат туманидаги Мирзаев номли жамоа хўжалиги хонадонларидан бирида газ баллони портлаши натижасида 7 киши тан жароҳати олиб, туман марказий касалхонасига ётқизилди. Тўрт киши ҳалок бўлди.

27 июль кунини Бувайда матлубот жамиятига қарашли I-хўжалик моллар дўкониде ёнгин содир бўлди. Натижада дўкон омбори, савдо дўкони, ундаги барча буюмлар батамом ениб кетган. Келтирилган моддий зарар эса 1,5 миллион сўмни ташкил этди. Ёнгин сабаблари аниқланмоқда.

Нега республикамизга ташқаридан қанчалик қийинчиликлар билан олиб келинаётган халқ истеъмол моллари меҳнаткашларимизга етиб бормай, омборхона, дўкон ва ишлаб чиқариш корхоналарда ениб кетишига йўл қўйилмапти? Ёнгинлар кимнинг айби билан содир бўляпти?

Содир бўлаётган ёнгинларнинг аксарияти раҳбар ва мутасадди ходимларнинг ўз корхона, ташкилот, муассасаларида ёнгин хавфсизлигини тўла-тўқис таъминламагани натижасида бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Агарда улар давлат ёнгинидан сақлаш назорати ходимлари томонидан кўрсатилган камчиликларни бажариш учун ўз вақтида зарур чора-тадбир қўрганларида ёнгин ва унинг натижасида келган моддий зарар анча камайган бўлар эди.

Ҳозир республикамизда иктисодий аҳвол қийин бўлиб турган бир пайтда раҳбар ходимларга ишониб топширилган давлат бойлигини кўз қорачиғиде сақлаш ўрнига унинг кулини кўкка совуриш жиноят билан тенгдир.

Имкониятдан фойдаланиб, барча раҳбар ва мутасадди ходимларга мурожаат этмоқчиман: корхона, муассасалар, жамоа хўжаликларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида ўз вақтида керакли чора-тадбирларни қўринг!

Р. ЖўРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁСБ катта муҳандиси, ички хизмат катта лейтенанти.

ИККИ ДУНЁ

Яқинда, Бўз тумани умумий овқатланиш корхонасида чойхоначилик билан шуғулланувчи 46 ёшли Мадамин Турсунов ва туман халқ таълими бўлимига қарашли 7-бўғчада омборчи вазифасида ишлаб келган 35 ёшли Абдуваҳоб Абдурахимовларнинг жиноий ҳатти-ҳаракатлари устидан суд мажлиси бўлиб ўтди. Инсонлик қиёфасини йўқотган бу маҳлуқларнинг бирига ўн йил, иккинчисига етти йил қамоқ жазоси берилди. Шу жиноятга даҳлдор

бўлган Насибахон Турсунова эса уч йиллик мажбурий хизматга кесилди.

Хўш, уларга жазо нима сабабдан берилди?

Бўз туманидаги Нодира кўчасида истиқомат қилиб келган Насибахон бир йигитни ўзига ром этади. У — Тоҳиржон Кутешов бўлиб, ширин рўзгори, гулдай хотини, уч фарзанди, тайинли иш жойи-ю, яхши касби бор инсон эди. Шу жойда Тоҳиржондан ҳам айб ўтган. Бошқа ишларни таваққалига қилиш мумкин, бироқ тақдир билан, умр савдоси билан ҳазиллашиб бўлмайди. У шунини ўйламади. Иккинчи хотини билан шунчаки домлага ўқитиб яшай бошлади.

Дастлаб турмушлари роҳат-фароғатда ўтаётганди. Орадан кўп вақт ўтмай оилада келишмовчиликлар, низолар, жанжаллар пайдо бўлди. Шунинг учун бўлса керак Тоҳиржон ҳафтанинг уч куни биринчи хотининикида, қолган тўрт куни кейингисиникида яшай бошлади. Адашган эр кўпинча хато қилганини англари-ю, бироқ кескин бир хулосага кела олмай ўзини ўзи қийнади. Бир гал биринчи хотинига ёрилиб: “Нима қилай, хотин... Мен ўзим аҳмоқлик қилдим, Насибанинг тузоғига илиниб қолдим. Сени эсимдан чиқармайман... Болаларимдан хабар олиб тураман. Насибани ташлаб яна сенинг олдинга келиш уят! Нимаки юрагимда бўлса сенга айтаман: шу икки ойдан бери ҳузур-ҳаловатим йўқ, нимагадир нукул сиқиламан. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да”, — деди.

Буни қарангки, Тоҳиржон яқинда бу фоний дунё билан хайрлашишни олдиндан билгандек эди.

Аввалги хотинидан, фарзандларидан воз кечиб юбормагани учунми, уй-рўзгори

бут бўлиб қолгани учунми, кўп ичаётгани ва инжиқ бўлиб қолгани учунми Насибахон эри Тоҳиржонни ёқтирмай қолди. Ораларидаги келишмовчиликлар, жанжаллар кунора зўрайса зўрайдики, босилмади.

Кунларнинг бирида Насибахон акаси Мадаминжонга “Мени ҳимоя қилинг, эрим пул ўгрисан деб туҳмат қилиб уряпти” деб шикоят қилади.

Шундан сўнг сингисининг ёнини олмоқчи бўлиб келган ака ва унинг ўртоғи Абдуваҳоб куёвини тартибга чақирмоқчи бўладилар, бироқ улар ҳам эр-хотин ўртасидаги ҳунук жанжалга гувоҳ бўладилар. Ҳақоратланаётган, ҳовлида қочиб юриб жонини сақлаётган сингисининг қиёфасидан вазвасага тушган аканинг чап-елкасидаги шайтони уни қабих ишга ундади.

Ўз уйига қайтиб келган ака канистрдаги бензинни “Муравей”ига юклаб, шерги Абдуваҳоб билан яна куёвининг уйига отланади. Маст куёв бу вақт ухлаб қолган эди. Ёмон ниятда келган Мадамин ва Абдуваҳоб ҳам маст эдилар.

Куз. Ноябрь ойининг 23-куни соат 21 лар чамаси дарвоза илмоғини эҳтиёткорлик билан очган йигитлар аста ҳовлига киришди. Ҳеч нарсадан хабарсиз куёв ширин уйқуда эди. Рост, у уйғонадиган алфозда эмасди. Мадамин дарвоза олдида турган лўмни олиб куёвнинг бошига бир неча бор туширди. Тоҳиржоннинг энди умуман уйғонмаслигига амин бўлган Мадамин мурдан чойшабга ўраб, ҳовлидаги “Муравей”ига юкледи. Қотилликка гувоҳ бўлган жонсиз қаражат, қон сачраган кўрпачи ва кийим, кечаклар, ҳатто лўмни ҳам эсдан чиқармадилар. Улар тун қоронғусида Комсомолбод тумани “Улуғнор”

давлат ҳўжалигидан ўтадиган анҳор бўйига келишиб, жиноятларига даҳлдор бўлган ҳамма нарсаларни, Тоҳиржоннинг жасадини ҳам ёқиб юборадилар. Совуқ қоронғулик бағрида, кимсасиз далада икки қотил қаршида жонсиз куёв анчагача ёниди...

Бу воқеадан уч кун ўтгандан кейин жазодан қўрққан бесаранжом қотиллар яна ёқиб қолган жойга келадилар. Қарашса, баъзи нарсалар чала ёнибди. Ҳаммасини йиғиштириб анҳорга оқизишади. Тоҳиржоннинг жасади ҳам тамом куйиб бўлмаган экан, уни ҳам четроқдаги ерга кўмиб ташлашади. Энди, гўё ҳеч нарсаси бўлмагандек, қорлар ёғиб излар босилиб кетгандек эди.

Тоҳиржон учун қайғурадиган биринчи хотини эрининг сирли равишида йўқолиб қолганлигидан ташвишга тушди. Излаб қариндошининг ишхонасига, уйига борди. Қўни-қўшниларидан сўраб суриштирди. Тоҳиржоннинг ишхонасидагилар ҳам охири марта. 23 ноябрь куни кўришганини, ўшандан бери йўқлигини айтишди. Чорасиз қолишгач, Бўз ва Шаҳрихон тумани ички ишлар бўлиmlарига хабар беришди.

Милиция ходимларининг фаол ва фидойи хизматлари туфайлигина машъум қотиллик орадан 13 кун ўтгач — 6 декабрь куни фўш этилди.

Оқибатини ўйламай қўш хотинликини ихтиёр этган бир инсоннинг аянчли қисмати мана шундай якун топди. Икки хотин ўртасида маънавий қийноқларда қолган эрнинг ичкилик орқали ўзига тилаб олгани шу бўлди. Тоҳиржонни бекафан, бежаноза кўмганлар ҳам бу қилмишлари билан икки дунё азобларини тилаб олганларига шубҳа йўқ.

Ўқтамжон ҲОЛИҚОВ,

ЖАНЖАЛ ОҚИБАТИ

Навбатчилик қисмига қўнғироқ қилган аёл тезроқ Вавилов кўчасига етиб боришни, у ерда жанжал бўлаётганлигини, оқибатда қотиллик юз бериши мумкинлигини айтди.

Туман ИИБ бошлиғи милиция подполковниги Т. Соатов, туман прокурори А. Инонбобоев бошчилигидаги тезроқ ғуруҳ зудлик билан айтилган жойга етиб келди. Аммо вақт ўтган эди: қонга беланган ёш йигит ерда жонсиз ётарди.

Жабрланувчининг шахси аниқлангач, орадан икки соат ўтмаёқ қотил қўлга олинди. Воқеа бундай бўлган экан.

Илгаридан бир-бирлари билан келишолмай юрган Ю. Минько билан Ш. Аҳмедовлар арзимаган нарсани баҳона қилиб, муштлашиб кетишади. Натижада Ш. Аҳмедов калтак еб, тиши синади.

Орадан бир ҳафта ўтгач, улар яна учрашиб қолишади. Ш. Аҳмедов Ю. Минькодан тишини қўйдириб беришни талаб қила бошлайди. У кўнмайди. Гувоҳларнинг айтишича жанжалнинг асосий сабабчиси Ш. Аҳмедов бўлган. Лекин бу сафар ҳам калтак еишига кўзи етган Ш. Аҳмедов қочиб кетгандай бўлади. Уни уйига кетди деб ўйлаган Ю. Минько бамайлихотир ўтираверади. Аммо пайт пойлаб турган Ш. Аҳмедов пусиб келиб, орқасидан пичоқ санчади. Ю. Минько талвасалаб қолади. Бундан фойдаланган қотил унга яна бир марта пичоқ уради. Охир-оқибат Ю. Минько шу ернинг ўзида жон беради. Ҳозир тергов ишлари давом этмоқда.

ИИБга хабар берган аёлга миннатдорчилик билдириш биз томондан фарз.

Т. РАСУЛТОВЕВ,
Бўстонлиқ тумани ИИБ
бошлиғининг шахсий таркиб
билан ишлаш бўйича
ўринбосари.

АДОВАТ

“ЯХШИ ҚЎШНИ узоқ қариндошдан афзал”, “Ховли олма, қўшни ол”. Доно халқимизнинг мақоллари бу. Умуман қўшничилик тўғрисида, ҳовлиси ёнма-ён жойлашган иккала оилани меҳру оқибатга чорловчи мақоллар, ҳикматлар кўп бизда.

Халқимизда “қатта арава қайси издан юрса, кичкинаси ҳам шу издан юради” деган нақл ҳам бор. Бу жуда топиб айтилган. Жўн қилиб айтадиган бўлсак, бола аввало катталардан ибрат олади. Ота-онаси ёмон деган одам ҳам, унинг фарзандлари ҳам кўзига ёмон кўринади. Хуллас, бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Баҳридинни қабрга қўйиб келишадиганда кўпчиликининг дилидан нималар ўтганини тахмин қилса бўлади. “Эҳ одамлар, наҳотки, шу кенг дунё сизларга торлик қилган бўлса? Ахир адоватнинг келиб чиқишига арзийдиган, бир-бирларингга терс қарашга мажбур қиладиган тузуқроқ сабаб йўқ эди-ку”, деб ўйлагандир кимдир. Энг ёмони, ўша адоват болалар қалбига ҳам кўчган. Катталарнинг бир-бирларини ёқтирмаслиги, келишмаслиги Дилшоднинг қўлига пичоқ ушлатмаганикин? Бу бизга қоронғу. Бўлмаса, Дилшод Муҳаммадиевни қотилликка нима бошлади экан?!

Дилшод Шаҳрисабз туманидаги Усмон Юсупов номли мактабнинг 7-синфида, марҳум Баҳридин Элмуродов эса 8-синфида ўқишарди. Иккаласи ҳам сўлим Қатъни қишлоғида, бир-бирига яқин уйларида яшашарди. Айтишларича, ўша машъум воқеа арзимас нарсалардан чиққан экан. Аммо адоват, жаҳл кишининг кўзини кўр қилади, деганлари рост. Ё тавба, 13 ёшли ўсмир (катталар бу ёшдагиларни она сути - ҳали орзидан кетмаганлар ҳам дейишади)

ўзидан икки ёш катта Баҳридиннинг кўкрагига қайси юрак билан пичоқ санчиди экан? Баҳридин жон талвасасида қийналаётганида мурғак қотилнинг кўзлари ярқ этиб очилгандир, балки... Аммо энди кеч эди.

Қадриятларимиз, динимиз тикланаётгани туфайли меҳроқибат қайтапти, деб кўп гапираяпмиз. Бу гаплардан эртароқ хотиржам бўлаяпмиз, шекилли. Мана шу фожиа ҳам адоват, лоқайдлик орамизда кезиб юрганини кўрсатмайдими? Бугун 13 ёшли ўсмир қотиллик қилса, эртага... ундан нима кутиш мумкин?

Қўни - қўшнилари, мактабдагилардан сўраб-суриштирилганда иккала қўшнининг ота-оналари аввалдан келишмай юришлари маълум бўлди. Наҳотки, уларни келиштириб қўйишнинг ҳеч иложи бўлмаган бўлса? Бунга қишлоқ аҳли, оқсоқоллари қандай қарашди экан? Балки улар ўз вақтида инсоф, диёнатга чақирилганда адоват ўти пасайиб, қотиллик юз бермасмиди?!

Ҳа, буни айтиш осон-да, дейишар балки қишлоқдагилар. На илож. Айтганда ҳам аччиқ-аччиқ сўзлар билан айтиш зарур. Токи бу бир парча ер таллашиб ёки болаларнинг ўртасига тушиб, бир-бирига таъна тошларини отаётганларга ибрат бўлсин. Токи ўринсиз адоват ҳеч кимнинг қўлига пичоқ тутқазмасин. Ушандагина биз Қуръони Каримда айтилганларга амал қилган, сўзда эмас, амалда ўзлимизга қайтган бўламиз.

А.ҲАЛИМОВ,
туман ички ишлар бўлими
бошлиғининг ёрдамчиси.
А.ЙЎЛДОШЕВ,
“Шаҳрисабз тонги”нинг
мухбири.

Мақжери

Баъзи аёлларнинг маккоралиги 40 туя юк экани ҳақида турли гап-сўзлар юради. Нима ҳам дердик, бу гапда ҳам жон бор. Бу фикрни тасдиқловчи, кўз кўриб қулоқ эшитмаган воқеа шу йил Урганч шаҳрида содир бўлди.

Яқинда аёллик иффатини бутунлай йўқотган ёвуз она, бувининг даҳшатли қилмишига суд муносиб баҳо берди.

Аслида нима бўлганлигини сизда тасаввур ҳосил бўлиши учун воқеа тафсилотини қисқача бўлсада ҳукмингизга ҳавола этамиз.

...1993 йилнинг 23 февраль куни шаҳарнинг Карл Маркс кўчаси, 13-уйда яшовчи Оқилжон Эгамова арзимаган сабабларни баҳона қилиб, ўз қизи Ниезжонни болга билан уриб бир неча жойига жароҳат етказди. Пировардида қаршилиқ кўрсата олмас даражада азобланган жигаргўшасини ҳовлисидаги эски омборхонага судраб киритиб, қулфлаб қўяди. Қиш. Юпун кийинган бечора киз бир ойдан ортиқ кунини ўша ифлос омборхонада ўтказди. Ваҳшийлашган она Ниезжонга овқат у ёқда турсин, сув ҳам бермайди. 4-5 март кунлари қизини яна азоблаб, болга билан уриб чалажон холга келтиради. Бу воқеадан дастлаб, Ниезжоннинг 9 яшар қизалоғи Назокат огоҳ бўлади. Буни сезиб

қолган она неварасининг оёгини синдириб, уни ҳам ўша омборхонага қамаб қўяди. Назокатнинг кўзи олдида онасини таққирлаб уради. Уларга на бир тишлам нон, на бир хўплам сув беради.

Ниезжон таққирлаш, азоб-укубатлар, ҳамда кишининг изгирин совуғига ортиқ дош беролмади. У мажолсиз кизи олдида жон таслим қилади. Қанийди бағри тош бувида озгина виждон бўлса-ю, неварасига раҳм-шафқат қилса, йўқ. Бағритошликни ўзига эп билган буви неварасига заррача шафқат қилмади. Оч-ночор қизалоқ ўлиб қолган онаси ёнида бир неча кунгача қолиб кетади.

8 март куни омборхона эшигини очган буви ўлиб етган қизини ва чўпдек озиб кетган неварасини кўргач, яна бир шум ниятни кўнглига тутади. “Мурда” ва ўлим билан олишаётган неварасини ёқиб юборишга аҳд қилади. Омборхонага ўт қўяди. Бироқ, енгиндан хабар топган онанинг фарзандлари (улар она билан келишолмай бошқа жойда яшашарди) бунинг олдини олишади.

Қариб тинчимаган ёвуз она пайт пойлаб яна бир невараси — Насибанинг ухлаб етган хонасига ўт қўяди, бу билан у ўз жонига қасд қилишни мўлжаллаганди.

Буви чучварани хом санаган экан, бунга улгуролмади. Фарзандлар ва милиция ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан енгин ўчирилади. Шу ернинг ўзида иккала оёғи синган, очликдан силласи қуриган Назокатни шифохонага, қотил онани қамоққа жўнатади.

Яқинда ёвуз бувининг қилмишлари вилоят судида кўриб чиқилди. Суд О. Эгамованинг ҳатти-ҳаракатларини инсон жонига қасд қилишнинг энг ваҳшиена намунаси сифатида баҳолади. 55 ешга кирсада жирканч жиноят йўлини ўзига муносиб билган, ўз жигаргўшасини қийнаб ўлдирган, унинг икки норасида гўдаги жонига қасд қилган онани олий жазога ҳукм қилди.

Бизнингча, ҳеч бир кимса бу сингари мудҳиш жиноятга қўл урмаслиги керак, башарти қўл урдики, айбига яраша жазосини олмоғи шарт! Бу қабихлик ҳеч қачон жазосиз қолмаслигини одамлар билиб қўйишсин.

Она — дунёдаги энг олий зот. О. Эгамова эса бу номга доғ туширди. У бу номга лойиқми? Бу вазуликни ким кечира олади?

Бахтиёр МАШАРИФ.

(Давоми. Боши 63-70 сонларда).

Самолётда ўтирганида, табло ўчиб, сигарета чекиш ва креслодан туришга ижозат берилгач, Клич самолётнинг дум томонига ўтди ва ногоҳ ўзининг саргузаштларини эслаб кулиб юборди. Қандай аҳмоқлик! Яхшики, оғайниларининг ҳеч қайсиси бунди билмайди. Балки, аҳмоқлик эмасдир?.. У иллюминатордан юлдузларга қаради. Нима қилибди, ҳозирча у Тошкентга боради. Шу ерда туғилди ва улғайди, шу ердан турли шаҳарлар ва колониялар бўйлаб саргардон бўлди. Лекин ҳозир, самолётда, шунчалик хаяжонланаётган экан, демек, унда, унинг қалбидан ватан туйғуси йўқолмаган экан.

Тўрт юз ўн иккинчи рейс Тошкентга ярим кечаси етиб келади. Самолёт учиши билан кечки овқатни ейишди. Сўнгра стюардессалар салонлардаги чироқларни ўчириб, фақат навбатчилар учун биттасини қолдиришди. Кличнинг кўзига уйку келмас эди. Бугунги кунда самолётда учиб одатий ҳол, унга кўникиш ҳосил бўлган! Осмон фалакда темир куш

этилган Одил Ваҳобов ўтди.

8.

Шаҳар жиноят қидирув бўлими бошлиғи Андрей Сиротин оиласи бошига тушган қайғуни сабот билан яшироққа эди. Ана шу оғир ҳолатда, унинг назарида, Ирина касаллигининг қандай тугаши унинг қатъияти ва ўжарлигига боғлиқ эди. Кўлини ювиб қўлтиғига уриши биланоқ ажал хотинини олиб кетадигандек бўлиб туюларди.

Маълум бўлишича, кишилар ўз хис-туйғуларини ифодалаш учун жуда кам сўзни ишлатар эканлар, шунинг учун одатланиб қолган ва қўлай сўзлардан фойдаланишди. Мухаббат, нафрат, қайғу... Лекин, ахир, ҳаммаси жуда бошқача бўлади-ку. Уйланганидан сўнг ҳам Сиротиннинг бошқа аёлларга кўнгли суи кетган пайтлар бўлган, кўпинча унга очикдан-очик ёқадиган аёллар учраб қоларди. Андрей ҳам ёнган гу-гурт чакнашини эслатадиган бундай бир лаҳзалик ишқибозликни тез эсдан чиқарарди. Хотини билан эса бундай эмас. Агар ундан ўз хотинининг севасанми деб сўраб қолишса, Андрей бундай саволдан

Романович, — Калинин трубкани кулоғидан олмай туриб ишни варақлади, — мана у. Ҳозир топаман. Эшит: «Уни ушлаган пайтда у қўлида аёлларнинг оппоқ сумкачасини кўтарган ҳолда купенинг ойнаси олдида турарди». Хўш, нима қилибди.

— Ахир, бу хонимнинг ҳеч қандай сумкаси йўқ. Мана, гап нимада.

— Хм, хм. Ҳа, жумбоқ. Ўзинг нима деб ўйлайсан?

— Нима дердим. Хаёлимдан ана шу сумкача ҳеч чиқмаяпти.

— Энди нима қила олардинг? Поезд алақачон Уралдан ўтиб бўлди, вагонларга бошқа йўловчилар чиққан. Баъзилар тушиб қолди, баъзилар ўтиришди. Вагонларда юривчи бундай товламачилар гувоҳ йўқлигидан фойдаланишди.

— Хўп, ўйлаб кўраман. Петр Алексеевич.

— Ўйла. Хотинингизнинг ахволи қандай, Романич? — ҳамдардлик билан сўради Калинин.

— Оғир, лекин умидворман. Умид қиламан, — Андрей ҳозир унинг учун энг муҳим бўлиб қолган сўзни ўжарлик билан ва қовоғини солган ҳолда такрорлади...

Энди эса катта лейтенант Сиротин ва участка вакили Башкиров темир йўл изи бўйлаб бормоқда эдилар. Қидирув иши дедуктив усул билан эмас, шунчаки оёқ устида олиб борилиши ҳам мумкин. Андрей вагоннинг деразалари қаяққа қараганлигини дарҳол эслади. Энди улар бирорта буюмни ҳам назардан четда қолдирмасдан, бир-бирларидан икки-уч қадам оралаб боришарди. Йўл бўйлаб ётган буюмлар кўп эди. Йўловчилар бамисоли, ўрмонда ўз ҳолича дам олаётган сайёҳлар каби, ерни ҳар хил нарсаларга тўлдириб юборган эдилар. Ҳар хил нарса: эски чамадонлар, туфлилар, кимнингдир гижимланган қалпоғи, айниқса кўп консерва банкалари, шишалар, буюм ўралган қоғозлар кўзга ташланарди.

Андрей Сиротин эса яшил ўтлоқлар, қарағайзорларга қараркан, у Ира билан табиат кўйида, далаларда, ўрмонда, сокин оқувчи дарё бўйида кам бўлишганини қайғу билан хотирларди. Ира касалхонадан чиқиши биланоқ улар ортиқча ташвишларсиз тез-тез ўрмон бўйлаб шунчаки сайр қиладилар.

Хотинини эслagan Андрей соатга кўз ташлади. Ярим соатдан сўнг хиебонда бўлиши керак, лекин ўтилган саккиз километрик йўлдан ҳозирча ҳеч нарса топилмади. Улар разъездгача яна беш километр юришлари керак, агар ҳеч нарса топилмаса, яна шунча йўлни орқа томонга пиеда босиб ўтадилар, токи ҳеч нарса кўздан чалғимасин. Бировларга ёмонлиқни соғинмайдиган Андрей хотинидан ўз вақтида хабар олишига тўқсинлик қилаётган ана шу юз-кўзини бўяган ярамас хотинни жуда ёмон кўриб қолди.

Камерада ўтирган Алла эса аввалгига асабийлашди, энди уни узок вақт безовта қилмасликларидан хатто хурсанд ҳам бўлди. Дастлабки дақиқаларда у юз берган воқеани хотиржам ўйлай олмади. Фақат телбалардек аззойи бадани қақшаган ҳолда қўлга тушмасам яхши бўларди деб зиррилаган эди. Энди у ўзини босиб олди, қўлга тушмасам яхши бўларди деб ўйламай қўйди, лекин бундан кейин нима қилиши кераклигини пухта ўйлаб олди.

Милиция кўп нарсани билармикин, аини нимани билишаркин? У билан қандай оҳангда сўзлашаркинлар? Кличнинг уни сотиши мумкин эмас, бундай қилмайди... Бинобарин, у ҳам Клич ҳақида оғиз очмаслиги керак. Бўлмаса гуруҳбозлик ҳисобланади, бунинг эса ҳолати йўқ — қамоқ муддати узаяди, холос. Вагондаги воқеанинг ўзидан ташқари у ҳақда нималарни ҳам била олардилар. Бу тўғрисида у нима дейишини билади. Ҳа, Москвада бор пулини ишлатиб қўйди, бир тийинсиз йўлга чиқди, бировдан пул сўрашни эса ёқтирмайди. Бирдан пул тўлдирган сумкани кўтарган кампирни учратиб қолди. Ўзини ушлаб тура олмади. Ҳар қандай жазо олишга ҳам тайёр. Жазони ўтайди, ўзининг қилмишидан пушаймон.

Манави катта лейтенантнинг пешонаси тиришиб, ташвишли кўриниши эса унинг учун хатто фойдали. Бундайларда, чамаси, ақл кўп бўлмайди. Хўп, уни тутишди. Охир-оқибатда, уни ўғирлик қилишга уриниш пайтидагина ушлаб олишди,

ўғирлик эса хатто юз бермади хали. Нима бўлишини ким ҳам биларди дейсиз? Кимгадир нимадир туюлди, бор-йўғи ана шу... Ақли аёл эса кўп нарсасга қодир.

У манави кишлоки изкуварларнинг фикрларини чалкаштириб юбора оладиган қилиб хаёлига келганини қайтармай гапирди. Аёлларнинг кўз ешлари баъзан гаройиботларга сабаб бўлиши мумкин. Ниҳоят, қош қоқиши ҳам мумкин, қачонлардир бир ешгина лейтенантни шундай қилиб тузоққа илинтирган эди.

Алла ўзини босиб олди ва энди хатто жиноят қидирув ходимини сабсизлик билан кута бошлади. У навбатчидан ювиниб олишига рухсат беришини талаб қилди. У «Аллани ҳовлидаги водопровод колонкасига олиб чиқди. Алла ҳузур билан юз-қўлини ювди, сўнгра хира кўзгу олдида еш навбатчининг ҳадиксираб қарашига парво қилмай сочларини яхшилаб таради, юзига уп-эллик сурди, қошларини тўғрилади. Унга ўзини тартибга солиш учун йўл қўйиб беришаркан, бу овлоқ жойда унчалик қаттиқ турилмас экан. Камерада у тиззалари очикрок кўриниб туриши учун юбкасини баландроқ кўтариб қўйди. Терговчи эса келавермас эди.

— Навбатчинон, бошлигингиз қаерда қолди? — Алла девор орқали сўради; у навбатчининг милицияга яқиндагина келганини, унга нисбатан жуда қаттиқ туришга ҳаракат қилишини, шу сабабли ҳам унинг бошини айлантира олмаслигини тушунган эди.

— Билмадим. Келганида — ўзи чакиради.

Сиротин кекурунсоат тўқкизларда келди, чарчаган ва қош-қовоғи янада кўпроқ солинган эди.

— Ах, ўртоқ капитан! Такдиримни тезроқ хал қила қолсангизчи, — Алла оёғини оёғига қилиштириб ўтирди. Манави тўнмага хушомад қилиш учун, гўё ноҳосдан бўлгандек, уни капитан деб атаган эди.

— Хал қилишга улгураимиз. Эрталаб сизни терговчига топшираман. Ҳозирча эрталабгача дам олинг.

— Ах, капитан, яхшиси бир ёқлама қилиб қўяқолайлик, — Алла лабларини оҳангжама қилиб бурди.

— Қанақасига бир ёқлама қиламиз, азизам? — Сиротин стол енига ўтирди, деҳқончасига буккан қўлларини столга қўйди. — Сизнинг ишингиз бир ёқлама бўлади. Эртами-кечми. Нахотки, бу нарса сизга тушунарли бўлмаса?

— Ах, кечиринг, менинг ишим тўғрисида нима ҳам билишингиз мумкин? — Алла суҳбат вақтида киши билмас тарзда унга нима нарса маълумлигини билиб олишга уринарди.

— Ўзимга зарур бўлган ҳажмда биламан, — деб қуруққина қилиб жавоб берди Сухотин ва унинг очик тиззаларига, ишвали овози ҳамда ноз-карашмаларига ҳеч қандай эътибор бериб ўтирмай хонадан чиқиб кетди. Алла лабларини тишлади. Бу расмияти уни ташвишга солиб қўйган эди. «Расмияти» эса тун оғушига чўмган шаҳар бўйлаб уни кутишаётган касалхонага шошиб бормоқда эди...

Терговчи Калинин Аллага осойишта, оилапарвар, раҳмдил киши бўлиб кўринди. Оддийгина кийинган, шимига камар боғлаган, оёғида сандал. Юзи думалоқ, қўзлари кичкина, бошида пушти ранг кал жойи бор, овози сал-пал дўриллаган. Мийиғида табассум билан қарайди:

— Хўш, гўзал қиз, нима қилиб қўйдинг, а? Тескари қарама, тескари қарама, кулоқ сол. Нимага кишиларни хафа қилипсан?

У афсус чеккандек бошини кимирлатди, папкани яқинроқ сурди, варақлади, уф тортиб нарига суриб қўйди:

— Ҳаммаси қандай бўлганини гапириб бер. Сенга ҳам, менга ҳам енгил бўлади.

Алланинг миясига дарҳол бу овсарни алдай оламан деган фикр келди.

— Ўй, биласизми? Ҳаммаси тушунмаслигининг оқибати. Мен жуда афсусланаман, лекин унда, — Алла папкани кўрсатди, — ҳаммаси аслида қандай бўлганини бутунлай тескари қилиб беришган. Хатто ҳақиқатга яқин келадиган ҳеч вако йўқ.

Унинг ҳикоясига қараганда, ўғирликнинг ўзи ҳам бўлмаган, унга пулнинг ҳолати ҳам йўқ. Шунчаки у

хамроҳи билан ундаги норкали пўстинни сотиб олиш тўғрисида гаплашган. Алланнинг ўз пули эса омонат дафтарчада... Қисқаси, у қарзга олоқчи бўлган. Ҳа-ҳа, аини қарзга. Ҳамроҳи эса бунди тушунмаган, шовқин-сурон кўтарган.

Калинин уни эътибор билан тинглади, хатто бошини унинг томонига қийшайтирди, раҳмдил кўзлари билан унга қаради.

— Нима учун мендек чолга елгон гапирасан? — астойдил хафа бўлди у. — Худо хайрингни берсин. Мен эса аввалгига ҳеч нарсани яширмасдан суҳбатлашамиз деб ўйлаган эдим. Бошланишига исми-шарифингни айтичи.

У сўроқ варақасини олди. Алла уни шубҳалантирадиган қандайдир гап айтганини фаҳмлади.

— Фамилиями? Алла Целинная.

— Шунақа ҳам бўларканми? Целиннаями?

— Фамилия устидан қилиш мумкинми?

— Кечирасиз, нахотки кулаётган бўлсам? Марҳамат қилиб, кечиринг. Касбингиз нима?

— Геолог.

— Аҳа, демек, олийгоҳни ҳам битиргансиз?

— Албатта, битирганман.

— Тушунарли. Демак, «денгиз жанги» ва «тентак» чегарасида маълумотингиз бор?

Алла тушунмагандек терговчига қаради. Лекин у мийиғида жилмайиб, яна папкани варақлай бошлади.

— Агар сиз, фуқаро Целинная, бошқа ҳеч нарсани хабар қила олмасангиз, келинг, дам оламиз. Бошим негадир зиркираб кетди, қорин ҳам хуштак қалиб юборди, — деди Калинин стол енидан тураркан.

Ошхонада у катта лейтенант Сиротинни қидириб топди, биргаликда овқатлана бошлади.

— Нимагадир белим зиркираб оғримокда, ёмғир ёғса керак. Аёлнинг ахволи қандай, Андрей Романич?

— Яхши ҳам, ёмон ҳам эмас. Касаллиқнинг бориши суишлади, лекин яхшиланигани ҳам йўқ.

— Худо хоҳласа, тузалиб кетади. Анави хонимимиз умуман толиба эмас, ҳеч қачон толиба ҳам бўлмаган. Сезиб турибман. Шундай бўлсада Новосибирскдан, олийгоҳдан сўраб кўраман.

— Нима аҳамияти бор бунинг — ўқидими, ўқимадими?

— Жуда ҳам муҳим, Андрюша, — Калинин тўрт букланган дастрўмолини олиб оғзини артди. — Агар ўқимаган бўлса, дипломи ҳам, меҳнат дафтарчаси ҳам сохта бўлади. Бундай сохта ҳужжатлар қизқиш учун керак эмас. Ниқобланиш учун керак, мана гап қаерда.

— Сумкачани нима қиламиз? Петр Алексеевич, сумкача бор-ку.

— Сумкача уники эканлигини ҳали исботлаб бериш керак. Хотиржам бўл, сумкачани ҳам кўрсатамиз. Мен борай. Ирага саломини айтиб қўй. Хотининг яхши аёл, қалби пок. Тузалсин. Сизларни балик овига олиб чиқмоқчиман, касалхонадан чиқиши биланоқ тўртовлон бўлиб борамиз. Мен рафиқам билан, сизлар икковлон.

Сиротин эскидан сирдош дўстининг орқасидан қараб қолди. Андрейнинг ўзи ҳам бу ерга янги ишга келганида кўринишидан жуда содда кўринган бу еши қайтиб қолган кишининг терговчилик қобилияти борлигига ишонмаган эди. Ҳолбуки, баъзи жиноятчилар ана шу кўринишга қарабқ тузоққа илиниб қолишарди. Андрей Петр Алексеевичнинг тийрак ақли, улдабурон, хотираси кучли эканлигини алақачон фаҳмлаган эди.

Касалхонага кетаётганида телефондан Калининнинг овозини эшитганида, шу сабабли ҳам, ажабланмади.

— Андрей Романичми? Сумкачани ҳеч ҳам тан олгиси келмади. Бунча пул, бунинг устига қурулни қаердан олардим, дейди. Мен дарҳол бармоқ изларингизни кўрсатайми, дедим. У тентак эмаски, ахир? Сумкача унинг бармоқ изларига тўлиб кетган. Ашаддий ўғри. Лекин бу иш, очик айтаман, жуда арзимаган иш. Шундай бўлгани ҳам яхши, бизга ҳам яхши, одамлар ҳам тинчроқ бўлади. Касалхонага кетяпсанми? Борақол, борақол. Андрюша, кўнглингни чўктирма. Ўз Иринанг учун омон бўл.

(Давоми бор.)

Юрий ВОЛОГИН

НОМЗОВ

ҚИССА

парвоз қилмоқда, ичида икки юз киши ухламоқда. Унинг эса уйқуси қочди. У сигарета, гугуртини олди, креслодан турди ва самолётнинг дум томонига йўл олди. Навбатчилик қилаётган стюардесса журнал варақлаб ўтирарди.

— Уйку йўқми? — ҳорғин оҳангда, уйқучан овозда сўради у.

— У бошини силкиди.

— Ухлаш керак.

— Сиз-чи?

— Менинг ҳаққим йўқ. Уйингизда анча вақт бўлмагандирсиз.

— Узоқ вақт бўлмадим, жуда узоқ вақт.

— Ҳаммамиз уйимизга қайтамиз. Эртами-кечми.

— Ҳамма қайтади. Лекин ҳамма нарса бир хилда силлиқ бўлмайди. Клич сигаретани охиригача чекди. Йўқ, у уйга шунчаки қайтаётгани йўқ, у ҳам «Клич» эмас, оддийгина. Одил бўлган болалик даврига қайтиши даркор. Янгидан ҳаёт кечири бошлаши лозим — бугунги кундан эмас, балки ҳали Кличга айланмаган даврдан бошлаши керак. Ҳозир у фақат ўзи учун, бўрилардек яшаганини хис қилди. Лекин елғиз яшаб бўлмайди.

Унинг қалбидан хабари бўлмаган ва у билан ҳеч қачон қизқмаган кишилар уни ўз доираларига тортдилар, улар билан бирга бўлишини талаб қилдилар. Лекин улар ҳам барибир елғиздир. У эса елғизликдан безди. Лекин барибир унинг бир ўзи хал қилиши керак. Бу қадамни қўйишни қанчалик орқага тортаверса, унда қатъият шунчалик йўқолиб бораверади.

Клич ўзи ҳеч қачон билмаган кишининг номига берилган ҳужжатларни чўнтагидан олди, яна бир марта диққат билан ўқиб чиқди. Сўнг уларни ҳеч қим ўқий олмайдиган қилиб майдалаб ташлади, парча-парча қоғозларни ахлат яши-гига ташлади. Сўнгра чўнтагидан ўзининг озод этилгани хусусидаги колония маълумотномасини олди. Узининг йигирма беш йиллик умрида ўрттирган ягона бойлиги шу бўлди.

Стюардессанинг енидан салонга бировнинг ҳужжати билан яшайдиган ўғри Клич эмас, балки шартли равишда муддатидан олдин озод

тажжубланган ва нима деб жавоб беришга тараддулланган бўлар эди. Севгими? Ирага нисбатан бу сўзни ишлатиш хатто беодоблик бўлади. Агар улар бирга яшашса, қандай қилиб севги ҳақида гапириш мумкин. Улар эндигина танишган пайтда севги-муҳаббат мавжуд эди. Ира билан кўп эмас, ўн икки йил бирга яшади. Лекин энди, у қаттиқ касал бўлган ҳозирда барча нарса унинг учун ҳар қандай маъно ва мазмунни йўқотди.

Ана шу йиллар давомида улар нимага эга бўлишганини айтиш мумкинми, ахир. Икки бола, оила — бу ҳали ҳаммаси эмас. Ўн икки йил улар бир-бирини бойитишди, бир-бирларини ўрганишди, бир-бирларини, бинобарин атрофларидagi бутун дунени тушунишни ўрганишди. Уларда бир хил фикр, бир хил қараш ҳосил бўлди. Нахотки, шу нарса муҳаббат бўлса! Бу бекиес каттароқ нарсаси, сўзга хасис инсоният хали унинг номини топа олган эмас. У кўп ҳафталаб ва ойлар давомида ўжарлик билан Ира яшаш керак ва яшайди деб такрорлаб келмоқда.

Рубцовскада жиноят қидирув учун иш кўп эмас. Шу сабабли Андрей ҳар оқшом касалхона хиебонда ўтириши, исталган дақиқада Иранинг енида бўла олиши мумкин. Шифокорлар ҳам дераза енида кимирламай ўтирадиган басавлат милиция офицерига шунчалик ўрганиб қолдиларки, агар Андрей соат бешдан сўнг кўринмай қолса, ташвишланиб бир-бирларидан уни сўраб қолишарди.

Ушланган аёлни бўлирмага олиб келишганида Андрей ушлаш ҳужжатини тўлдирди ва гувоҳларнинг кўргазмаларини яна бир марта ўқиб чиқди. Бу ишдаги ҳамма нарса яққол кўзга ташланади. Пухта ҳужжатлар билан ниқобланган ўғри ушланган. Андрей иш юритилган папкани терговчи Калининга юборди, лекин, яна бир бора мулоҳаза юритиб кўриб, унга кўнгирик қилди:

— Салом, Петр Алексеевич. Эртага сенга ушланган аёлни топшираман. Лекин Нежилова деган кампирнинг кўргазмаларида сумкача эслатилган...

— Тўхта, тўхта, Андрей

ИЗКУВАР

Унинг ўз ишидаги дадил ҳаракати машҳур афсонавий изкувар Шерлок Холмсни эслатади. У бу соҳада етарли билим ва тажрибага эгадир.

Иштихон туманида кейинги йилларда кўплаб жиноятлар очилмай қолаётган, натижада эса одамларда ички ишлар идоралари ходимларига нисбатан норозилик пайдо бошлаган эди.

Жиноят-қидирув ишини пала-партиш ўтказиш билан ижобий натижага эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Туман ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлимасига янги бошлиқ келгач, бу соҳада аҳвол тубдан ўзгарди. Уилгари Каттақўрғон ва Нарпай туманларида кўп йиллар ишлаган, тажрибали милиция ходими Низом Жуманов эди.

Янги бошлиқ, энг аввало, ишни бўлим ходимлари билан яқиндан танишиш ва суҳбатдан бошлади. Улар ўзаро аҳилликда ишлашга келишиб олишди. Мушт бир жойга урилгач, ютуқлар ҳам ўз-ўзидан келаварар экан.

Туманда ўтган йилда содир этилган бир жиноий иш очилмай келинарди.

Низом Жуманов ишга келгач, бу жиноятни фаш этиб ташлади. Бошқа жиноятлар ҳам аста-секин очила борди.

Ўтган йилнинг, етти ойи якунида жиноятларни фаш этиш 62 фоизга бажарилган бўлса, йил охирига бориб бу кўрсаткич 82,6 фоизни ташкил этди.

Ёш изкувар Низом Жуманов асосий эътиборни жиноятларга бевосита боғлиқ бўлган гиёҳвандликка қарши курашишга қаратди. Гиёҳванд моддаларни сотувчи шахсларни аниқлаб, уларни жиноий жавобгарликка тортди. Шу йилнинг беш ойи мобайнида шунга ўхшаш жиноий фактларнинг 12 таси аниқланди.

Бу фақат вилоят, балки республика бўйича ҳам юқори кўрсаткичдир.

Туманда, айниқса, фуқароларнинг қорамолларини ўғирловчи кишилар кўпайиб кетганди. Низом ана шу тоифадаги эгри қўллар иши билан алоҳида шуғулланди. Натижа ёмон

бўлмади. Жиноятчилар топилиб, жазосини олишди. Масалан "Мингчинор" жамоа хўжалигининг Ҳасан-Ҳусан қишлоғида яшовчи Шамсиддин Отажонов, Убайдулла Бобоқуловдан иборат гуруҳ, Нарпай тумани Ленин номли жамоа хўжалигининг Қадим қишлоғида яшовчи Қувондиқ Ҳамроев, Оқтош шаҳрида яшовчи Мавлон Қаландаровлар айнаи дамларда халқ суди томонидан берилган одилона жазоларини ўтамоқдалар.

Содир этилаётган жиноятлар "иссиғида" очилиши билан бирга, илгариги йилларда очилмай қолган жиноятларни очиш истаги ҳам бўлинма ходимлари қалбидан муносиб ўрин олган. Ана шундай жиноятлардан яқинда тўрттаси очилиб, айбдорлар ўзларига тегишли жазони олдилар.

Н. Жуманов фаолиятдан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

1981 йилдан бери ички ишлар бўлимида самарали меҳнат қилиб келаётган Низом Жумановдан туман

меҳнаткашлари мамнун. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли неча-неча жабрланувчилар ўғирланган мол-мулкларига қайтадан эга бўлишаётир. Тиниб-тинчимас йигит ўз устида ишлашга, ўқиб-ўрганишга астойдил интилади. Шу боисдан ҳам ишида муваффақиятлар бисёр. Унга бу борада ҳамкасблари Рустам Аҳмедов, Неймат Саидов, Ақром Жўраев, Алишер Жалиловлар доимо кўмакдош.

Яқинда изкуварнинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Уни туман ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари қилиб тайинлашди.

Биз ҳам моҳир изкувар, милиция капитани Низом Жумановнинг бундан кейинги ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

М. ҚУРБОНОВ,

Иштихон туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция майори.

Ўткир САИДОВ, журналист.

— Биз ўз заифлигимизни енгиш учун тўпландик, — дейишди спорт яккама-якка курашининг ўлкамиздаги энг қадимий тури вакиллари.

«...Спорт яккама-якка курашининг "Турон жанг санъати" тури илк бор Х. Калонов номли олий ҳунар билимгоҳининг спорт маркази томонидан тарихий далолатлар асосида яратилди ва унинг қоидалари ишлаб чиқилди. Ҳозирда спорт жанг санъатининг ушбу тури Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон Республикаларида ривожланмоқда...»

Турон жанг санъати Низомидан.

Олий ҳунар билимгоҳининг Тошкентдаги Анхор соҳилида жойлашган спорт залига кеч тушганда ўз тренерлари Баҳодир Хўжаевич Саидов бошчилигида мускулдор йигитлар тўпланишди. Улар шуғулланидиган спорт тури Турон жанг санъати (ТЖС) деб аталади.

— Амир Темур даври ҳақида ҳикоя қиладиган бир кинофильми томоша қилишга тўғри келиб, қолди, — деб ҳикоя қилади Саидов. — Турон жангчиларининг душманлар билан олишуви сахнаси хотирамга ўрнашиб қолди. Ўша пайтларда Амударё ва Сирдарё оралиғи Турон деб аталган, бу ерда меҳнатсевар ва ўзини ҳимоя қила оладиган кишилар яшашган.

— Нима учун яккама-якка курашнинг ана шу турини тиклаш мумкин эмас? — деб савол беради Саидов. — Ахир, Хитойда У-шу, Корейда таэквон-до, Японияда каратэ-до усуллари бор-ку. Яккама-якка курашнинг бу турлари кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшайди, лекин уларнинг ҳар бирида маълум фалсафий таълимотдан келиб чиқадиган ўзига хос жиҳатлар мавжуд.

Саидовнинг ўзини универсал спортчи деб аташ мумкин. Эшак эшиш бўйича халқаро классдаги спорт устаси, каратэ бўйича спорт устаси... Жисмоний тарбия олийгоҳини битирган. Қирқ ешларда бўлсада, ўзининг ешидан анча навқирон кўринади. Баланд бўйли, бақувватлиги, ўзига ишонч билан қарашли уни Темур аскарларини тасвирловчи қадимий суратларга уйғунлаштиради.


Турон жанг санъатини танлаган еш спортчилар унинг ҳар бир кўрсатмасини пухта бажаришга интилади. Бу ерда турли мамлакатларда мавжуд бўлган кураш турларидан усулларни кўчириб олиш билан шуғулланишмайди.

Олий ҳунар билимгоҳи спорт

ТУРОН ЖАНГ САНЪАТИ

марказининг илмий раҳбари Михаил Григорьевич Чередников ва илмий-педагогик ишланмалар гуруҳи ходими Александр Григорьевич Чередниковлар билан ҳамкорликда мавжуд манбалар асосида ана шу қадимий кураш тури тикланди, эндиликда у борган сари кенг машҳур бўлмоқда. Ҳозир ТЖС билан республикада салкам беш минг киши шуғулланмоқда. Спорт маркази базасида 17 мусобақа ўтказилди, унда турли еш гуруҳларига мансуб 400 спортчи қатнашди.

...Қизил ва хаворанг дурра тангиган курашчилар майдонга чиқдилар. Бунда киши ҳаракатлари биомеханикасининг ривожланишига асосий



СПОРТ

этибор берилади. Бир ярим йил олдин Саидов Турон жанг санъатини тиклай бошлаганда, кимдир уни спортчи ва жангчини махсус тайёрлаш усули деб атаган эди. Спортчилар онгига кучли одам заиф одамни ранжитмайди, деган азалий ўғит синдирилади. Амир Темур ҳам шундай деб таълим берган эди.

Нисбатан қисқа вақт ичида қадимий Турон жангчиларининг авлодлари бўлган спортчиларнинг маҳорати айча ошди. Тошкенттиб-биет олийгоҳининг битирувчиси Қахрамон Мухамедов спорт жанговар санъатини муваффақият билан ўзлаштирди, Дмитрий Журавлев спортнинг ана шу тури бўйича йўриқчи бўлди, Темур Фаттохоннинг маҳорати ошди. Спорт яккама-якка кураши секциясида шуғулланаётганлар орасида Ўзбекистон Республикаси ИИБ енгиндан муҳофаза қилиш олий техника билимгоҳининг 29 яшар курсанти Абдулқосим Кенжабоев ҳам бор.

— Ота-боболаримиз ерида пайдо яккама-якка курашнинг бу тури, менимча, ички ишлар идоралари ходимларининг жисмоний ривожланиши учун бекиёс аҳамиятга эга, — деб ҳисоблайди Абдулқосим. — Мен бу ерга жисмонан баркамол бўлиш учун келдим. Бу мақсадга эришайман. Умид Дехқонов ҳам, Андрей Шиянов ҳам, уларнинг барча ўртоқлари ҳам айнан шундай дейишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги байрам қилинган кунларда тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари Турон жанг санъати билан яқиндан танишишга муяссар бўлдилар. Спортчилар намойиш этган кураш усуллари спорт яккама-якка кураши мухлислари қалбига чуқур таассурот қолдирди. Бугунги кунда Баҳодир Саидов бошчилик қиладиган секцияга аъзо бўлиш жуда қийин, чунки ТЖСнинг шуҳрати борган сари ошиб бормоқда.

Келгуси йили Турон жанг санъати бўйича биринчи халқаро турнирни ўтказиш режалаштирилмоқда. Спортчилар бу фикрни қўллаб-қувватламоқдалар. Мусобақалар Тошкентда ўтказилади, мутахасссларнинг фикрича, томошабинлар оз бўлмайди. Турон жанг санъати ҳаётимиздан ишонч билан ўрин олмоқда, ҳозирги кунимиз билан ўлкамиз қадимий тарихини кўзга кўринмас ришталар воситасида боғламоқда.

М. ҚУЛАЙМОНОВ

Суратларда: Турон жанг санъати бўйича намунали чиқишлардан лавҳалар.

Х. ШОДИЕВ олган суратлар.

КУЛАЙМИ, КУЯЙМИ?..

Сутхўр

“Ғалаба” жамоа хўжалигида яшовчи ва шу хўжаликда ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган С. Ўрмонов сут топшириш учун қабул пунктига келиб, роса калтак еди. Уни “Хўжаобод” жамоа хўжалигида яшовчи 29 ёшли сўлақмондай йигит “сут берасан”, дея қийин-қистовга олиб, мақсадига етолмагач, мушт билан сийлаган. С. Ўрмонов бир кам ўттизга кирган бу йигитнинг она сутига тўймаганлигини қаёқдан билсин? Муштумзўрга ҳозир тегишли одамлар “сут ичиришяпти”.

Бунисига нима дейсиз?

Чортоқ тумани газлаштириш идораси ҳайдовчиси К. Турғуновнинг пешонасида ҳам калтакланиш ёзилган экан. Яна кимдан денг?

Бу ҳайдовчини аллақачон нафақага чиқиб кетган, олтмиш тўртдан олтмиш бешга қараб бораётган қария дўппослабди. Ўйлаيمизки, бир қўли ҳассада, бир қўли ёқада бўлган зўравон чолнинг қилмиши ҳам одилона яқунланади.

Ажаблანарли томони — иккала ҳайдовчининг ҳам ёшлари ўттиз бешда.

Иштаҳани қаранг!

Тўрақўрғон шаҳридаги “Қизил Октябрь” кўчасида яшовчи, 36 ёшли М.исмил киши ҳақиқатан қип-қизил ўғри экан. У велосипед эмас, мотоцикл эмас, борингки, “Жигули” ҳам эмас, биратўла “ЗИЛ” автомашинасини ўғирлашга қарор қилди ва ўғирлади. Хуллас, 90-автокорхонага қарашли автомашина “кичкина сайр”дан сўнг яна корхонага қайтиб келди.

Б. КАРИМОВ, Наманган вилоят ИИБ ходими.

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент шаҳар тозаланиш назорат қилиш милиция алоҳида ротаси бошлиғи Раҳимжон Маткаримович Жуманазаровга падари бузрукворлари

Маткарим отанинг

узоқ давом этган ҳасталикдан сўнг вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия нэхор этадилар.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эъдон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтариб берилмайди.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 554, 33.209 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлими — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Наврўз кўчаси, 1.